



«YANGI O'ZBEKISTONDA ERKIN VA FAROVON YASHAYLIK!»

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!



www.mv-vatanparvar.uz



vatanparvar09@mail.ru



Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan

VATANPARVAR



Saytimizga o'tish
uchun QR-kodini
skaner qiling.



▶▶ 12-13

YURTIMIZ SPORTCHILARINING XXXII YOZGI OLIMPIADA
O'YINLARIDAGI MUVAFFAQIYATLI YURISHLARINI MUDOFAA
VAZIRLIGI OLIY SPORT NATIJALARINI RIVOJLANTIRISH
MARKAZI TAEKVONDOCHISI ULUG'BEK RASHITOV
OLTIN MEDAL BILAN BOSHLAB BERDI,
DZYUDOCHI DAVLAT BOBONOV DAVOM ETTIRDI.

▶▶ 4-5

TOKYO 2020



▶▶ 10



Mudofaa vazirligi tizimiga oid so'nggi yangiliklar bilan
quyidagi manzillar orqali tanishing:



t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaa_press



facebook.com/UzArmiya



instagram.com/uzbekistanarmy



www.youtube.com/c/UzArmiya

2021-yil 30-iyul, №30 (2937)

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар таълим-тарбияси бўйича янги тизим жорий этилади

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 июль куни ногиронлиги бўлган, ота-она қарамоғидан маҳрум ва етим болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш ҳамда ижтимоий нафақаларни такомиллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни тарбиялаш ва қўллаб-қувватлашнинг бир неча тузилмалари йўлга қўйилган. 13 та Болалар уйида 560 нафар, 16 та Меҳрибонлик уйи ва 4 та Болалар шаҳарчасида 1 минг 823 нафар, 86 та махсус мактаб-интернатда 21 минг нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Бундан ташқари, 79 минг нафар бола ҳомийлик, васийлик ва оила патронати қарамоғига олинган.

Йиғилишда мазкур муассасалардаги ёшларнинг таълим-тарбияси, уй ва иш билан таъминланиш даражаси таҳлил қилинди.

Сўнгги ўн йилда Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчалари битирувчиларининг 51 фоизига уй-жой ажратилган. Меҳрибонлик уйларида чикқан йигит-қизларнинг 64 фоизи иш билан таъминланган. Таълим-тарбия сифати ҳам юқори эмас.

Давлатимиз раҳбари Меҳрибонлик уйларидаги болаларни оилага яқин муҳитда тарбиялаш, билим ва маънавиятли, ватанпарвар инсонлар этиб вояга етказиш зарурлигини таъкидлади.

Шу мақсадда бу борада янги тизим жорий қилиниши белгиланди. Унга кўра, 16 та Меҳрибонлик уйи ва 4 та Болалар шаҳарчадаги ёшларнинг таълим-тарбиясига Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси масъул бўлади. Бунинг учун қўмондон ўринбосари лавозими жорий этилиб, алоҳида бошқарма ташкил этилади.

Меҳрибонлик уйларидаги болаларга сабоқ бериш, уларни ахборот технологиялари, хорижий тиллар, касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш, спорт билан шуғулланишларини ташкил этиш бўйича янги методикалар ишлаб чиқиладди. 14 ёшдан юқори ўғил-қизларни энг талаб юқори

касбларга ўргатиш йўлга қўйилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлигига ҳар бир Меҳрибонлик уйи ва Болалар шаҳарчасига олий ўқув юрти ҳамда спорт мактабларини бириктириш вазифаси қўйилди. Улар томонидан фан ва спорт тўғрақлари ташкил этилади, бунга жалб этилган устозларга устама тўланади.

Бундан ташқари, шароити оғир бўлган Меҳрибонлик уйлари Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокимликлари томонидан оталиққа олинади.

Бугунги кунда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг 17 фоизи чин етимлар, қолган 83 фоизи эса ота-онаси ёки яқин қариндошлари воз кечган болалар ҳисобланади. Бундай оилаларга моддий ёрдам бериш орқали аксарият болаларни ўз оиласи бағрига қайтариш мумкинлиги айтилди.

Васийлик ва ҳомийлик органларида 79 минг бола рўйхатда туради, шундан 35 минг нафари фарзандликка олинган. Лекин улар билан шуғулланиш учун туман ва шаҳар халқ таълими бўлимларида битта ходим бириктирилган.

Бу етарли эмаслиги таъкидланиб, ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимлигида Васийлик, ҳомийлик ва патронат ишлари бўлими ташкил этилиши ҳамда уларга 4 нафардан штат ажратилиши белгиланди.

Шунингдек, Миллий гвардия, мактабгача таълим, халқ таълими, маҳалла ва сектор вакилларида иборат ишчи гуруҳ тузилади. Уларга васийлик, ҳомийлик ва патронатга олинган болаларнинг ахволи, оилавий шароитидан ҳар ҳафта хабар олиш юклатилади.

Васийлик, ҳомийлик ва патронатга олинган болалар 18 ёшга

тўлгунча қадар улар учун маҳаллий бюджетдан 1 миллион 200 минг сўм, ногиронлиги бўлганларга эса республика бюджетидан 2 миллион 500 минг сўм тўланади. Ногиронлиги бўлган болаларни ўз қарамоғига олган оилаларга уларнинг парвариши даврини меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш тартиби жорий этилади.

Шу йил 1 сентябрдан бошлаб нафақа миқдори оиладаги болалар сонидан келиб чиқиб белгиланади. Бунда болалар ёши 14 ёшдан 18 ёшгача, тўлов муддати 6 ойдан 12 ойгача узайтирилади.

Бундан ташқари, «Темир дафтар»га кирган оилалар фарзандлари, шунингдек, боқувчисини йўқотган ва ногиронлиги бўлган болаларга мактабга чиқиши учун 500 минг сўмдан берилади.

Васийлик, ҳомийлик ва патронатга олинганлар ҳам олий ўқув юртига киришда Меҳрибонлик уйлари битирувчилари учун ажратилган қўшимча квотадан фойдаланадилар.

Президентимиз Меҳрибонлик уйлари битирувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Жумладан, 18 ёшга тўлган, уй-жойга муҳтож етим болаларга янги қурилган уй-жойлар бепул ажратилади. Бунинг учун жорий йилда бюджетдан 120 миллиард сўм йўналтирилади.

Яна бир янгилик – етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган иқтидорли талабалар стипендияси 50 фоизга оширилади. Шунингдек, бундай талабаларга пенсия тўлаш муддати амалдаги 18 ёшдан 23 ёшгача узайтирилади. Уларга зарур адабиётлар сотиб олиши учун ҳар йили бир марта 1 миллион 200 минг сўм субсидия берилади.

Йиғилишда ногиронлиги бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш ва даволаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари бундай болаларни зарур таъбиий восита ва аравачалар билан таъминлаш, жарроҳлик операциялари ўтказиш, имплантант ва протез ўрнатиш учун қўшимча маблағ ажратишга кўрсатма берди.

Шунингдек, ихтисослашган мактабларга йирик корхоналар ва кластерларни бириктириб, шароитларни яхшилаш мумкинлиги қайд этилди.

Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари ўрнига Болалар масалалари бўйича миллий комиссия ташкил этилиши, ҳудудий комиссияларга эса вилоят ҳокимлари раҳбарлик қилиши белгиланди.

– Ота-она меҳридан маҳрум ва ногиронлиги бор болаларни қўллаб-қувватлаш, уларни жамиятнинг фаол аъзолари сифатида тарбиялаш барчамиздан жиддий эътибор ва амалий ҳаракатларни талаб қилади. Бирорта бола, «мен етим ёки ногиронман», деб ўқсинмаслиги, давлатимиз ва жамиятимизнинг меҳридан четда қолмаслиги керак. Уларни замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш, барча шароитларни яратиб бериш нафақат вазифа, балки муқаддас бурчдир. Масалага шу жиҳатдан ёндашсак, ишимизда, албатта, натижа бўлади. Фарзандларимизга қилган ҳар бир яхшилигимиз ўн яхшилик бўлиб қайтади, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда мутасаддилар, педагог ва ёшлар муҳокама қилинган масалалар юзасидан ўз фикрларини билдирди.

ЎЗА

Matbuot anjumani

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг мажлислар залида «Ғалаба боғи»да амалга оширилаётган ишлар, мажмуа ва унинг таркибидаги «Шон-шараф» музейига онлайн платформа орқали виртуал саёҳат қилиш бўйича изланишлар натижалари ҳамда ҳамкорлик алоқалари» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.



Унда соҳа вакиллари спикер сифатида республика ахборот агентликлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари мавзу бўйича саволларига жавоб бердилар.

«Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасида юртимиз аҳолиси, айниқса,

ёшлар ва ҳарбий хизматчилар учун онлайн дарс ва семинар машғулотларини ташкил этиш, ҳарбий тарихни, буюк аجدодларимиз қаҳрамонлигини ўрганиш юзасидан Илмий марказга айлантириш мақсадида Мудофаа, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Ах-

ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИ



борот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари ва Фанлар академияси билан ҳамкорликда жорий йилнинг февраль ойида қўшма қарор имзоланди ҳамда илмий-тадқиқот ва экспозиция ишларини юқори савияда ташкил этиш мақсадида «Шон-шараф» давлат музейида Илмий кенгаш тузилди.

Бугунга келиб, илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш юзасидан Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистондан фронтга сафарбар этилган 1 951 000 га яқин ватандошимизнинг номаном рўйхатини тузиш ва унинг асосида «Ватан фидойилари» электрон хотира китобини яратиш учун мақсадли инновацион тадқиқотлар танловида иштирок этиш учун грант лойиҳаси тайёрланди.

Ўзаро савол-жавобларда «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси ва ёшлар ҳамкорлигини кучайтириш, шонли тарихимиз ва миллий қаҳрамонларимиз хотирасини абадийлаштириш, хорижий мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётгани таъкидлаб ўтилди.

**Мудофаа вазирлиги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар
департаменти**

СУНБАТ



«ЁШЛАРНИНГ ҚИЗИҚИШ ВА ИШТИЁҚИДАН ҲАЙРАТЛАНДИМ»

Мамлакатимизда ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун шароитлар яратиш, умуман, келажагимиз эгаларининг ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб вояга етишида кенг имкониятлар яратилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳам ўз ҳиссаси бор. Ташкилот Марказий кенгаши раиси полковник Ҳусан Ботиров билан бўлган суҳбатимизда айтиш шундай масалалар муҳокама марказида бўлди.

– Биламизки, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти узоқ йиллик тарихга эга. Унинг биринчи раиси давлат ва сиёсат арбоби, маърифатпарвар инсон Файзулла Хўжаев эди. Шундан ҳам англаш мумкинки, ташкилот ўз олдида жуда катта марраларни қўйган. Айтинг-чи, халқни, миллат ёшларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида камол топтириш йўлида ташкилотнинг, янги жамоанинг режалари қандай?

– Ташкилотимиз зиммасига республика аҳолиси, айниқса, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни спортнинг техник ва амалий турларига жалб этиш ҳамда касбга тайёрлаш вазифаси юклатилган. 2021 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг янги шаклланган жамоаси ишни биринчи галда ташкилот фаолиятида учраётган муаммо ва камчиликларни ўрганишдан бошлади. Бунинг учун имкон қадар жамоатчилик фикри ўрганилди, хизмат сафарлари уюштирилиб, ташкилотимизнинг ҳудудий кенгашлари фаолияти билан танишилди.

Сўнгра чуқур таҳлил ўтказилиб, ташкилот зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида мутлақо янги тизим ва аниқ чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Чунки «Ватанпарвар» ташкилоти жамоаси Учинчи Ренессанс даврига пойдевор шакллантирилаётган бугунги кунда кенг қўламли слоҳотлар иштирокчисига айланишни, юртимиз ижтимоий ҳаётида тутган ўрнини мустаҳкамлашни ҳамда ўзининг нуфузини оширишни қатъий мақсад қилган.

Шулардан келиб чиққан ҳолда жойларда бўлганимизда ёшларнинг қизиқиш ва иштиёқини кўриб, тўғриси, ҳайратландим. Айниқса, қизларимизнинг ҳам автотранспорт ҳайдовчилигига бўлган қизиқишлари юқори. Биз ҳозирда миллий менталитетимиздан келиб чиқиб шундай тизим яратяпмизки, жойларда ўқиётган қизларимиз ичидан имтиҳонларни аъло баҳоларга топширганларини автомобилларни бошқариш бўйича амалиёт устаси лавозимига ишга олиб

қоламиз. Бу ёшлар бандлигини таъминлаш йўналишида ҳам жуда муҳим.

– Ўртоқ полковник, ташкилотнинг моддий-техник базаси ҳақида ҳам суҳбатлашсак. Хўш, республика ёшларини спортнинг техник ва амалий турларига жалб этиш, уларни қамраб олиш учун ресурслар етарлими?

– Ташкилот тасарруфида 200 дан ортиқ ўқув-спорт техника клуби мавжуд. Булар бир вақтнинг ўзида ҳам спортнинг техник ва амалий турлари бўйича секциялар ва тўғараклар фаолияти учун мўлжалланган. Шу билан бирга оммавий техник касблар мутахассисларини тайёрлаш бўйича йўналтирилган. Биламизки, моддий-техник база ҳақида гап кетганда баъзи бир рақамларга тўхталишни маъқул кўраман. Мисол учун, бизнинг секцияларда ҳозирги кунда 15 мингдан ортиқ ёшлар профессионал спорт билан шуғулланиб келади. Оммавий спорт тадбирларини ташкиллаштириш учун 3 мингга яқин пневматик қуролларимиз бор. 2 мингга яқин спорт автомобилсимиз, 700 га яқин спорт мотоциклимиз мавжуд. Бундан ташқари моделчилик (автомобиль, кема, авиамоделчилик) спорт тури ҳам бугун кўплаб ёшларни ўзига жалб этмоқда. Айнаман мана шу спорт тури бўйича зарур моддий-техник базамизда бироз камчиликлар учрайди. Бу муаммони бартараф этиш бўйича ҳам керакли ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда энг кўп қизиқиш билдирилаётган соҳа – IT технологиялари йўналишида ҳам ташкилотимиз қатор ишлар олиб борапти. Ташкилотимизнинг ўз IT маркази ҳам бор. Аммо унинг имкониятлари шу пайтга қадар кенг ўрганилмаган эди. Бугун унинг имкониятларини кенгайтириш бўйича амалий ишларга киришганмиз.

– Ёшлик – инсон умр йўлининг ҳал қилувчи палласи. Бу даврдан унумли фойдаланиш, уни тўғри амаллар билан безаш кўп жиҳатдан биз, катталарга боғлиқ. Сиз раҳбарлик қилаётган ташкилот мана шу масъулиятни қанчалик даражада ҳис этипти?

– «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши томонидан республи-

камиз миқёсида фуқаролар, айниқса, ёшларни ўз тасарруфидаги ўқув муассасаларида оммавий техник касб мутахассисликларига ўқитишнинг янги механизми жорий этилди. Жумладан, ташкилот «Ёшлар дафтари» ва «Темир дафтар»га киритилган ёшлар ва эҳтиёжманд оилалар фарзандларининг оммавий техник касбларга имтиёз асосида ўқитилишини Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда йўлга қўйди.

«Ватанпарвар» ташкилотининг автотранспорт ҳайдовчиларини тайёрлаш курсларида таҳсил оладиган эҳтиёжманд ёшлар ўқиш харажатларининг 75 фоизига қисми «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларидан йўналтирилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши бу борада янги ташаббус билан чиқиб, «Ёшлар дафтари»дан ўрин олган ёшлар ўқиш харажатларининг 10 фоизини ташкилот ҳисобидан қоплаб бериш тақлифини билдирди.

Ҳозирги кунда республика миқёсида 10 802 нафар «Темир дафтар» ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар ва эҳтиёжманд оилалар фарзандлари «Ватанпарвар» ташкилотининг замонавий инновацион технологиялар билан жиҳозланган автототранспорт ҳайдовчиларини тайёрлаш курсларида ўқимоқдалар.

Яна бир яхши янгиликка қўл урдик. Биламизки, «Ёшлар дафтари»да асосан мактабни битирган, олий ўқув юртига ўқишга киролмаган ва вақтинча ишсиз бўлган ёшлар киради. Шулар қаторида айтиш шундайки, армия сафларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларимиз ҳам хизматни ўтаб бўлиб, ўз уйларига қайтганидан сўнг, булар ҳам «Ёшлар дафтари» вакиллари сифатида қайтар экан. Биз мана шундан хабар топганимиздан сўнг Мудофаа вазирлигига мурожаат

қилдик ва бевосита мудофаа вазири билан мана шу масалада музокара ўтказиб, ўз тақлифларимизни айтдик.

Хўш, бу қандай ташаббус? Бу айтиш шундайки, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган йигитларнинг хизматдан бўш вақтларида автототранспорт ҳайдовчилигига ва бешта қўшимча техник касбларга ўқитиш имкони борлигини кўра билдик ва буни амалга оширдик. Бу муддатли ҳарбий хизматчилар томонидан жуда илиқ кутиб олинди. Чунки эндиликда йигитлар ҳарбий хизматни ўтаб бўлгач, бир касбнинг эгаси бўлиб ўз уйига қайтади. Ҳозирда Миллий гвардия ва Ички ишлар вазирлиги тизимида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган йигитларни ҳам қамраб олишга эришдик.

– Ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитишни таъминлаш – бугунги куннинг асосий талаби. Бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Бугун дунё миқёсида техник касбларга бўлган талаб жуда юқори. Биз мана шу йўналишдаги касбларга кўпроқ урғу бераймиз. Республика миқёсида ташкилот тасарруфидаги 210 та ўқув-спорт техника клубининг автототранспорт ҳайдовчиларини тайёрлаш курсларида бир йилда ўртача 120–130 минг нафар фуқаро «В», «ВС», «D» ва «Е» тоифалари бўйича ўқитилади. Бундан ташқари, жорий йил бошидан давлат раҳбарияти ва ҳукумат томонидан фуқароларни яна 10 хил техник касбга тайёрлаш вазифаси юклатилган.

Август ойидан бошлаб «Техник хизмат кўрсатиш мутахассисларини тайёрлаш курслари» ташкил этилиб, унда ёшлар 5 хил касб – вулканизаторчи, электрик-аккумуляторчи, газ-электр пайвандчи, авточилангар, автоэлектрик мутахассисликлари бўйича ўқитилиши йўлга қўйилди. Декабрь ойидан бошлаб эса «Мураккаб техникаларни бошқариш мутахассисларини тайёрлаш курслари» йўлга қўйилиб, ушбу курсларда юк ортувчи транспорт, автогидроподъёмник, юк машинаси крани, ғилдиракли трактор, битта ковшли экскаватор техникаларини бошқариш бўйича мутахассисларни ўқитиш белгиланган.

– Бу янги йўналишларга ёшлар қандай фикр билдирапти, уларни қизиқтира оляпмизми?

– Гоҳида ёшларимиз бу йўналишлар мазмунини тўла билмагани, бозор талабидан беҳабарлиги учун автототранспорт ҳайдовчиси бўлиб қўя қолишни афзал кўрапти. Лекин биз мана шу осонгина йўлдан юриш ниятимиз йўқ. Жойларда бўлганимизда ва ҳудудлардаги вакилларимиз орқали мана шу янги даромадли касбларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш бўйича амалий ишларни олиб борапмиз. Яқинда Навоий вилоятининг Навбаҳор туманидаги ёшлар билан мулоқот чоғида билдимки, уларнинг жуда кўпчилиги ҳайдовчиликдан бошқа касбда ўзини тасаввур этолмаяпти.

Оддий мисол, мана пайвандчилик касбини олайлик. Ҳаммамиз билан миз, ишимиз тушган, оддий иккита темирни бир-бирига пайвандлаш бугунги кунда ўртача 50–60 минг сўмга тушади. Давлат имконият берапти, биз касб ўргатишни ўз зиммамизга олганмиз. Ёшларимиз айнаман мана шунанга даромадли касбларга қизиқса, ўрганса, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлайман.

– Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

**Лейтенант
Исломжон ҚўЧҚОРОВ
суҳбатлашди.**

«Армиямиз униб-ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик ва она юртга муҳаббат, миллий қадрият ва аъналаримизга ҳурмат, шонли тарихимизни чуқур билиш руҳида тарбиялаш борасидаги ишларга фаол киришганини алоҳида қайд этишни истардим. «Ватанпарвар» ва «Фахрийлар» сингари ташкилотлар, шунингдек, Мудофаа вазирлиги қошидаги Жамоатчилик кенгаши ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни янада кучайтириш ҳамда уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш бўйича ғоят зарур бўлган ишларни биргаликда давом эттиради, деб ишонаман».

Шавкат МИРЗИЁЕВ



ТОҒНИНГ БИР СИРИ БЎЛАДИ –
ОҲАНРАБОДЕК ЎЗИГА
ТОРТАВЕРАДИ. ОЗГИНА ҚОЛДИ,
ҲУВ АНА, ДЕЯ ҚИРДАН-ҚИРГА
ОШИБ, ИНТИЛАВЕРАСИЗ.
КЎЗГА КЎРИНМАС ИП
ТОРТИБ КЕТАЁТГАНДЕК.

БУЛУТЛАРГА ЁНДОШ ҚОЯЛАР



Қуrollи Кучлар академиясида Тоғ-баландлик комбинациялаштирилган «Скаладром» универсал мажмуасининг барпо этилиши ушбу олий ҳарбий таълим муассасасининг техника, технология шиддат билан ривожланаётган замон билан бақамти қадам ташлаётганига яна бир далил бўлди. Ушбу мажмуада ҳарбий хизматчилар тоғли шароитда амалга ошириладиган 14 та машғулотни шу жойнинг ўзида, реал вазиятга яқинлаштирилган ҳолда бажара оладилар. Инновацион ғоялар ва технологиялар асосида барпо этилган мазкур лойиҳани шаҳар ичидаги булулларга ёндош қояларга менгзаш мумкин.

Ҳарбий хизматчиларнинг руҳий ва жисмоний тайёргарликларини такомиллаштирадиган, уларга тоғ ва шаҳар шароитларида дуч келадиган қийинчиликларни енгишнинг оқилона усулларини ўргатадиган ушбу мажмуа ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини ўзлаштирган ҳолда қурилган бўлиб, аynи пайтда дунёдаги илк прототип модель ҳисобланади. У орқали тингловчилар тоғ (баландлик) асбоб-анжомларидан



Шаҳар марказида барпо этилди

Муаллиф суратга олган

тўғри фойдаланиш, биноларни ишғол этиш, ярадорларни олиб тушиш, ҳар хил тўсиқли қояларда ҳаракатланиш, арқонлар ёрдамида ҳавфсизликни таъминлаш, спорт қоябозлиги бўйича мусобақаларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш, шахсий таркиб ёки ярадорларни вертолётлар қўна олмайди-ган жойлардан олиб кетиш, десантлаштириш, юксакликка психологик тайёргарлик, мураккаб сунъий рельефда гимнастик ҳавфсизлик машғулотларини олиб бориш, қўрқувни аниқлаш ва уни бартараф этиш, экстремал ҳолатларда ўзини бошқариш ва тезкор қарорлар қабул қилиш каби назарий ва амалий машғулотларни олиб боришлари мумкин.

Биз таърифлаётган ушбу мажмуа бирпасда фойдаланишга топширилмаган, албатта. Қуролли Кучлар академиясининг Жанговар тайёргарлик кафедраси бошлиғи подполковник Фарҳод Норғитов бунга қадар бир нечта ривожланган давлатлар тажрибасини бориб ўрганганликларини, уларни умумлаштириб, такомиллаштириб қарамасдан раҳбарият томонидан қўллаб-қувватланганини таъкидлади.

Аслида, ушбу мажмуа шахсий таркибни полигонларга олиб бориб келинадиган вақтнинг фойдага қолиши, жанговар техника ва вертолётларда ёнилғи-мойлаш маҳсулотларининг тежалиши, ҳар бир машғулотда ўқув нуқталарини қўриш учун кетадиган харажатларнинг иқтисод қилиниши билан ҳам аҳамиятлидир. Юқоридагиларни инобатга оладиган бўлсак, мажмуага сарфланган маблағ оз фурсат ичида ўзини оқлашига шубҳа йўқ. Жанговар ва жисмоний шайликнинг ошишидаги хизматини эса ҳеч бир мезон билан ўлчаб бўлмайди.

Капитан Азиз НОРҚУЛОВ,
«Vatanparvar»



Мамлакатимизда кечаётган демократик ўзгаришлар шароитида давлат ҳокимияти органларини сайлов йўли билан ташкил этиш борасида халқаро андазаларга мос келадиган ижобий тажриба шакллантирилди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасида сайлов қонунчилигининг вужудга келиши, ривожланиши ҳамда сайлов амалиётини демократик ислохотларнинг таркибий қисми сифатида баҳолаш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юртимизда сайловга оид қонунларнинг тизимлаштирилиши ҳамда қўшимча ўттиздан ортиқ муҳим демократик қоида-талабларнинг киритилиши асосида қабул қилинган Сайлов кодекси мазкур жараёни янги босқичга олиб чиқди. Ҳозирда сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати жорий этилди, сиёсий партияларнинг соғлом рақобат олиб бориши учун тенг шарт-шароитлар яратилди. Мамлакатимизда ўтказилаётган турли даражадаги сайловлар халқимиз онги ва кайфиятида ижобий ўзгаришлар ясади, бу муҳим сиёсий жараёнга муносабатни ўзгартирди. Фуқаролар эртанги кунга ишонч ҳамда она Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан сайлов жараёнларида иштирок этмоқдалар.

Дарҳақиқат, янги Ўзбекистон шароитида сайловлар нафақат демократиянинг муҳим белгиси ва кўриниши, балки унинг зарурий шarti ҳамдир. Шу нуқтаи назардан инсонпарвар демократик жамият барпо этиш мақсади сари интилаётган эканмиз, унинг бош талаби бўлган эркин сайловларни муносиб ташкил қилиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолаверади. Чунки сайловлар халққа давлат ҳокимиятининг ягона манбаи сифатидаги сиёсий ролини амалга ошириш имконини берадиган ҳал қилувчи жараёндир.

Бу борада, айниқса, мамлакат Президенти сайлови алоҳида ўринга эга. Мазкур сайловнинг муҳим аҳамияти шундаки, унинг натижа-сида давлат бошлиғи сайланибгина қолмай, балки жамият аъзоларининг хоҳиш-истаклари, кайфияти, давлат сиёсатига реал муносабати аниқланади. Бу жараёнда консти-

туциявий асосда ўрнатилган ва тараққиётнинг муҳим омилларидан ҳисобланган фикрлар хилма-хиллиги ҳам яққол намоён бўлади. Маълумки, сайлов жараёни сайлов кампаниясини эълон қилиш, сайлов комиссияларини тузиш, номзодлар кўрсатиш, уларни рўйхатга олиш ва сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ бир қатор босқичлардан иборат бўлиб, уларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур рукн сайлов билан боғлиқ масалаларни осон ва асослан-тирилган тарзда тушунишнингизга ёрдам беради, деган умиддамиз.

1. Сайлов нима?

Сайлов – фуқароларнинг у ёки бу номзодни ёқлаб, овоз бериш орқали давлат ҳокимияти органларини шакллантириш жараёнидир.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови қачон бўлиб ўтади?

Янги тартибга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови октябр ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида, яъни 2021 йил 24 октябрда бўлиб ўтади.

3. Президент сўзининг маъноси нима?

Президент атамаси латинча (*«prae»* – олдин ва *«sedere»* – ўтирмак) сўздан олинган бўлиб, «олдинда ўтирувчи» деган маънони англатади. Президент – давлат бош -

Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси

лиғи ҳисобланади ва у давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди.

4. Ўзбекистон Республикасида сайловлар қайси принциплар асосида ўтказилади?

Ўзбекистон Республикасида сайловлар умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш принципларига биноан очик ва ошкора ўтказилади.

5. Яширин овоз бериш нима-ни англатади?

Сайловда эркин ва яширин овоз берилади. Сайлов бюллетенидаги номзодлардан қайси бирини танлашни фақат сайловчининг ўзи ҳал қилади.

Сайловчилар муддатидан олдин ёки сайлов куни участка сайлов комиссияси биносида ёхуд турган жойида яширин овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Сайловчиларнинг қайси номзодга овоз берганлигини кузатиш ва текширишга йўл қўйилмайди.

Участка сайлов комиссиялари сайловчиларнинг яширин овоз бериш ҳуқуқини таъминлаш учун масъул ва жавобгардир.

6. Сайлов жараёнида очиклик ва ошкоралик нималарда намоён бўлади?

Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни сайлов комиссиялари очик ва ошкора амалга оширади.

Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз иши тўғрисида, сайлов округла-

ри, участкалари тузилганлиги ҳақида, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақти тўғрисида хабардор этади, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништиради, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар тўғрисидаги, шунингдек, овоз бериш ва сайлов яқунлари ҳақидаги маълумотларни маълум қилади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча жараёнлари оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, ижтимоий тармоқларда ёритилади.

7. Сиёсий партия нима?

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир.

8. Ўзбекистонда неча сиёсий партия мавжуд?

Ўзбекистонда бугунги кунда бешта сиёсий партия расман рўйхатдан ўтган ҳолда фаолият олиб бормоқда. Булар: Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Экологик партияси.

**Мудофаа вазирлиги
Тарбиявий ва мафкуравий
ишлар бош бошқармаси
томонидан тайёрланди.**

Muvofiqlashtiruvchi kengash

Тегишли қарорлар қабул қилинди



Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси мажлислар залида Қуролли Кучларда жорий йилнинг 6 ойидаги қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот аҳволи, ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитлар ва интизомни мустаҳкамлаш борасидаги чора-тадбирлар юзасидан мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши ўтказилди.

Видеоконференц-алоқа режимида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Мудофаа, Фавқуллодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия, ДХХ Чегара қўшинлари, Ички ишлар вазирлигининг Қоровул қўшинлари, Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшинлар қўмондонликлари масъул офицерлари ва ҳудудий ҳарбий прокурорлар иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори генерал-майор Шухрат Узаков олиб борди. Кенгаш йиғилишида жорий йилнинг 6 ойида Қуролли Кучлар тизимидаги вазирлик ва идоралар шахсий таркиби ўртасида ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бо-

расидаги фаолиятлари сарҳисоб қилинди.

Танқидий руҳда ўтган муҳокамада жиноятчиликка қарши курашиш ва олдини олиш мақсадида ҳуқуқбузарлик аҳволини мунтазам таҳлил қилиб, амалий тадбирларни режали, мақсадли ҳамда самарали олиб бориш, шахсий таркибнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтириш, тарбиявий-мафкуравий ишларда илғор услублардан фойдаланиш ҳамда бошқа масалалар юзасидан аниқ тавсиялар билдирилиб, яқунда тегишли қарор қабул қилинди.

**Адлия подполковниги
Алишер ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий прокурорининг
ёрдамчиси**

KELING, KITOB O'QIYMIZ

ЖЮЛЬ ВЕРН ОЛАМИ



Ростини айтсам, Жюль Верн деган ёзувчи борлигини ҳам билмасдим. Пойтахтдаги 248-умумтаълим мактабида ўқийман. Мактабимиздаги «Ёш китобхон» тўғарагида бизга тавсия қилинган китоблар орасида унинг «Ўн беш ёшли капитан» романи бор экан. Бу китобни қаердадир кўрган эдим. Эсладим, акамнинг кутубхонасида бор эди.

тоға баайни асл олимга ўхшар эди. Умрининг охиригача болатабият бўлиб яшаш бу ювош кишининг пешанасига ёзиб қўйилган бўлса керак.

Уйдагиларгина эмас, бегона одамлар ҳам бу кишини «Бенедикт тоға» дейишарди; ювошлиги учун ҳамма уни ўзига яқин кўрар эди.

«...Бенедикт тоғани инсон зотидан кўра, кўпроқ ўсимлик зотига ўхшатса бўларди. У худди баргсиз ва мевасиз дарахтга, йўловчини соясидан бахраманд қила олмайдиган, уни ризқлантира олмайдиган дарахтга ўхшар эди».

Романда Бенедикт тоғанинг тасвири шундай бўлади. Болатабият бу одам ҳақида яна анчагина ўқиш мумкин. Шундай бўлса-да, энг аъло тасвир уни «баргсиз ва мевасиз дарахт»га ўхшатилади.

«Пилигрим» кит овловчилар кема-си эди. Унда овчи матрослардан ташқари кемалар эгаси Жеймс Уилдоннинг рафиқаси миссис Уилдон ва унинг ўғилчаси Жек, ўн беш ёшли жасур матрос Дик Сенд, қаердан эканлиги номаълум сирли ошпаз Негоро, қора танли энага Нан, ҳарфларни танийдиган Динго лақабли ит бор эди.

Навбатдаги кит овлаш фожиали

Оилада опаларим, акам китоб ўқишни севади. Авваллари ота-онам китоб олиб берар эдилар, кейинчалик бу ишни талаба акам зиммасига олди. Мен уларга ҳавас қилиб китобга меҳр қўйдим. Шундай улғу адибни танитгани учун «Ёш китобхон» тўғарагидан миннатдорман.

Жюль Верн асарлари дунё тилларига таржима қилиниши бўйича Агата Кристидан кейин иккинчи ўринда турар экан.

Ўқий бошладим, бош кўтаргим келмай қолди. Жуда қизиқарли китоб экан. Бу роман асосида фильмлар ҳам ишланган. Менинг фикримча, фильмлар қанчалик қизиқарли ишланса-да, китоблар ўрнини боса олмайди.

Ҳозир мактаб ўқувчилари ёзги таътилда. Таътилни ҳамма ўзи истаганидек ўтказаётган бўлса керак. Шундай кунларда китоблар таътилга алоҳида мазмун бағишлайди, деб ўйлайман. Мен Жюль Верннинг учинчи китобини ўқий бошладим. Шу ёзувчи туфайли саргузашт асарларга қизиқиб қолдим. Барча асарларини ўқиб чиқмоқчиман.

Биринчи марта ўқиб чиққаним учун «Ўн беш ёшли капитан» романи менда кучли таассурот қолдирди. Сиз билан ўз таассуротларимни бўлишгим келди.

Кўп воқеалар «Пилигрим» номли шхуна-бригада бўлиб ўтади. Асосий қаҳрамонларимиз билан айнан шу кемада танишамиз. Кема калифорниялик бадавлат кемалар эгаси Жеймс Уилдонга тегишли эди.

«Ўн беш ёшли капитан» – саргузашт асар. Эътиборли томони шундаки, бадиий асарни ўқиш жараёнида жуғрофия ва табиат фанларидан билимингизни синайсиз. Океан, денгизлар, ороллар, мамлакатлар, жониворлар, ҳашаротлар...

Дарвоқе, ҳашаротлар... асарда энтомолог олим Бенедикт тоға образи бор. Адиб уни жуда ғаройиб ва ишонарли тарзда шундай тасвирлайди: «Тоғаси эллик ёшларга борган эди. Шунча ёшга борганлигига қарамасдан, унинг ўзини уйдан ёлғиз чиқариб бўлмас эди. Новча, пахмоқ сочили, тилла кўзойнак таққан ориққина Бенедикт



ЮНЕСКО маълумотида кўра, асарлари энг кўп тилларга таржима қилинган муаллифлар тўққизлиги қуйидагича:

1. Агата Кристи
2. Жюль Верн
3. Уильям Шекспир
4. Энид Блайтон
5. Владимир Ульянов (Ленин)
6. Барбара Картленд
7. Даниелла Стил
8. Ганс Христиан Андерсен
9. Стивен Кинг

Манба: perevod71.ru



туғади. Улкан ола китни овлашга йўл олган беш азамат матрос ва капитан Гул...

Ўқиймиз: «Бир неча минут давомида сув тўлкини ўйнаб турганидан ҳеч нарсани кўриб бўлмади. Дик Сенд билан негрлар ўзларини қайиққа урдилар, лекин улар ҳалокат жойига етиб келганларида унда битта ҳам тирик одамни тополмадилар. Қон аралаш қизил сув устида қайиқ парчаларигина сузиб юрарди.

Шундай ёмон ҳалокат бўлаётганини кўриб туриб, ҳалок бўлаётган ўртоқларига ҳеч қандай ёрдам беролмай турсалар-а!.. Дик ва унинг ҳамроҳлари ярадорларни сувдан тортиб чиқариб олишга ҳам улгуролмай қолдилар.

«Пилигрим» ҳалокат жойига етиб келганида капитан Гул билан беш матросни қутқазиб олиш учун имконият қолмаган эди.

Миссис Уилдон, Дик, Бенедикт тоға ва беш негр бошларини эгиб, кўзёшларини дув оқизиб, бўм-бўш денгизга тикилиб қараб турар эдилар.

Чексиз, улкан Тинч океаннинг қоқ ўрта бир жойида қолган, қуруқ ердан мингларча мил нарида турган, капитан ҳамда матросларидан ажралган бу кема энди денгиз оқими билан шамол учун кичкина бир ўйинчоқ бўлиб қолганди».

Даҳшатли, қўрқинчли бир манзара. Кўз етмас чексиз океан... Жюль Верннинг бу олами ўқувчини ўзига тортиб олади. Сиз ҳам ана шу ночор одамлар орасида қолгандек бўласиз.

Айнан шу ердан бошлаб романда яна бир янги олам, янги давр бошлангандек.

Ўқиймиз: «Шу маҳал кема ошпази палубага чиқди.

Негоро бу фалокатли овнинг боришини жуда диққат қилиб кузатган эди, лекин оғиз очиб ҳеч гапирмас ва ҳеч қандай ҳаракат қилмас эди. Бу даҳшатли бахтсизлик унга қандай таъсир қилганини ҳеч ким айтиб беролмас эди.

Ҳозир у кеманинг қуйруғига, Дик Сенд турган жойга секин юриб борди-да, ўсмирдан уч қадам берида тўхтади.

– Энди кемага ким капитан бўлади? – деб ҳаёсизларча сўради Негоро.

– Мен, – деди ёш матрос дадиллик билан.

– Сиз-а?! – деб елкасини қисди Негоро. – Ўн беш ёшли капитан?!

– Ҳа, ўн беш ёшли капитан! – деб жавоб қайтарди Дик ва ошпаз томонга бир қадам ташлади.

Ошпаз орқасига тисланди.

– «Пилигрим»нинг капитани бор, – деди миссис Уилдон. – Бу Дик Сенд бўлади! Янги капитан ҳар кимни жойига қўя олади. Буни ҳар ким билиб қўйиши керак».

Ҳа, мана, романнинг номланиши қаердан олинган. Фалокат ҳаммани

қайғуга солиб қўйган бўлса-да, кемада ҳаёт яна изига туша бошлади. Кема ҳаётини жуда хотиржам кечарди, деб бўлмасди. Чунки унда иккинчи компаснинг тузатиб бўлмас даражада синиб кетиши, денгиз йўлида савдо кемаларининг кўринмаслиги, иккинчи компас стрелкаси бир томонни кўрсатиши учун ортига тикилган бир парча темир... Буларни ким қилганини китоб ўқиётиб биласиз, ҳеч бўлмаганда тахмин қилиш мумкин. Ниҳоят, номаълум бир орол кўринди. Айнан шу орол қирғоқлари яқинида «Пилигрим» ҳам фалокатга учради. Чунки сув ости қоятошлардан иборат эди. Қирғоқ яқин бўлгани учун ҳамманинг жони омон қолди.

Оролдаги анча-мунча саргардонликдан сўнг уларнинг қаршисидан америкалик бир киши чиқди. Ёш капитан бундан севиниб кетди. Ўзини Геррис деб таништирган америкалик уларга йўл бошловчилик қилди. Яқинроқ портга етиб олиш учун жуда узоқ йўл босишга тўғри келди. Аммо...

Ўқиймиз: «Қолиплар, занжирлар ва ажойиб пичоқ – булар бир савдогарларининг қурол-аслаҳалари эди. Ерда ётган қўллар қора танли кулларнинг қўли эди.

Португалиялик Негоро билан америкалик Геррис шерик бўлиб чиқди!

Ниҳоят, Дикнинг шубҳалари ҳақиқатга айланди ва:

– Африка! Марказий Африка! Қул савдогарлари ва қуллар мамлакатини Африка! – деган даҳшатли сўзлар унинг оғзидан ўқдай отилиб чиқди».

Китобнинг иккинчи қисми эса шундай бошланади: «Қул савдоси! Бу сўзнинг даҳшатли маъносини ҳамма тушунади. Инсоният тилида бу сўзга сира ўрин бўлмаслиги керак».

Афсус... Қулдорлик барҳам топганига анча вақтлар бўлди. Бироқ инсоният ҳамон ирқчиликнинг айрим кўринишларидан, одам савдоси каби қабих ишлардан қутулган эмас. Бугун бу мудҳиш ҳолатлар замонавий сўзлар, атамалар, номлар билан хаспўшланади холос.

Яна китобга мурожаат қиламиз: «Кўп кишилар, тирик одамларни олди-сотди қилиш, яъни қул савдоси аллақачон йўқ бўлиб кетган деб ўйлайдилар. Бўлмаган гап! Бутун бир қитъани ҳувиллатиб, одамсиз қолдириш хавфини туғдирувчи одам овлаш касби бизнинг замонамизда қандай авж олаётганини биз китобхонларимизга шу китобнинг иккинчи қисмида ҳикоя қилиб берамиз. Баъзи бир мустамлакаларга текин ишчи кучлари етказиб бериш учун қандай ваҳшиёна босқинчиликлар қилинаётганини, бутун-бутун қишлоқлар талон-торож қилиниб, ўт ичида қолаётганини, бундай босқинчиликлар пайтида қанчадан-қанча қонлар тўкилаётганини ва бундан кимлар фойда кўраётганини китобхонлар шу китобдан ўқиб билишлари мумкин».

Азиз ўқувчилар, Жюль Верн «Ўн беш ёшли капитан» романини 1878 йилда ёзган. Ўн тўққизинчи асрнинг охирларида ҳам қуллар савдоси бемалол эди. Буларнинг бошида бугун дунёга демократия, фаровонлик, тенглик тимсоли бўлиб кўринаётган ривожланган Европа давлатлари турар эди!

Бир вақтлар кўп миллионли бўлган Австралиянинг ерли халқлари айни кунда юз мингга ҳам етмайди.

Ортиқча изоҳ ва тафсилотларни бир чеккага суриб, сизларни бу қимматли асарни ўқишга тавсия этаман.

**Мухлиса НЕЪМАТОВА,
Мирзо Улуғбек тумани
248-умумтаълим мактаби
ўқувчиси**



**Халқимиз неча юз йиллик тарихи да-
вомида орзу қилиб, интилиб яшаган
ва XX аср сўнгида эришган, мамлака-
тимиз ҳаёти ва тақдирида туб бурилиш
ясаган, том маънодаги буюк, оламшу-
мул воқеа – Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллиги эълон қилинга-
нига ўттиз йил тўлади.**

Мустақиллик йилларида кўп миллатли Ўзбекистон халқи ўзининг буюк салоҳияти, мустақкам иродаси ва матонатини намоён этди, оғир синов ва машаққатларни мардона енгиб, катта тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида, айниқса, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга жорий этиш асосида мамлакатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётини тубдан янгилаш, «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» ғоясини реал воқеликка айлантириш борасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда.

2022 йилда жамиятимизнинг ажралмас қисмига ҳамда ўсиб келаётган ёш авлод ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳақиқий жасорат ва ватанпарварлик мактабига айланган миллий армиямиз ташкил этилганлигига ҳам 30 йил тўлади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган биринчи кунлариданоқ миллий армиямизга асос солинди. 1992 йил 14 январда юртимиз ҳудудида жойлашган барча ҳарбий тузилмалар Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тасарруфига ўтказилди. Мана, 30 йилдирки, ана шу тарихий кун Қуролли Кучларимиз пойдевори қўйилган, истиқлолимиз солномасига олтин ҳарфлар билан ёзилган буюк сана сифатида байрам қилинмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, тарихан қисқа муддатда мамлакатимиз мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги, чегараларимиз дахлсизлиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армия барпо этилди, деб ғурур ва ифтихор билан айтишга бугун барча асосларимиз бор.

Миллий армиямизни барпо этиш ва ислох қилиш бўйича ҳар томонлама чуқур ўйланган ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегия ишлаб чиқилди. Ўтган давр давомида ана шу стратегия асосида Миллий хавфсизлик концепцияси ва Мудофаа доктринаси доирасида кўп ишлар амалга оширилди. Юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театри ва унинг реал хусусиятлари, илғор хорижий тажрибалар ҳар томонлама ҳисобга олинди. Шу асосда

ихчам, яхши таъминланган, юксак жанговар руҳга эга бўлган миллий армиямиз барпо этилди.

Бугунги кунда ҳарбий бошқарувнинг самарали тизими шакллантирилди. Қуролли Кучлар таркибида турли қўшинларнинг ўзаро мувофиқ ҳолда ва ҳамкорликда ҳаракат қилишини таъминлайдиган механизмлар фаолият кўрсатмоқда. Ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизими принципиал жиҳатдан мутлақо янги асосга ўтказилди.

Пандемия шароитида Қуролли Кучларимиз аҳоли саломатлигини таъминлашда самарали фаолият кўрсатганига барчамиз гувоҳ бўлдик. Бугунги кунда Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳияти ва касбий маҳорати ошиб бормоқда ва улар халқимизнинг ҳақиқий таянчига айланмоқда.

**Сўнгги йилларда
Мудофаа вазирлиги
қўшинлари мамлакат-
да ёшларга оид давлат
сиёсатининг амалга
оширилишида ёш ав-
лод вакиллари ҳар-
бий-ватанпарварлик
руҳида тарбиялаш
билан яқиндан кўмак-
лашмоқда. Бу борада
охирги йилларда бир
қатор изчил ислохот-
лар амалга оширилган-
лини кўришимиз мум-
кин. 2021 йил январь –
июнь ойларида ёшлар
билан 4 086 тадан ор-
тиқ тадбир ўтказилди
ва уларга 232 903 на-
фардан ортиқ ёш жалб
этилди.**

Жумладан, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган 1 359 дан ортиқ тадбир, «Қаҳрамонлар номи барҳаёт», «Биз Сиз билан фахрланамиз» мавзуларида суҳбатлар, ватанпарварлик боғлари ва музейларга ташрифлар, ҳарбий-ватанпарварлик фестиваллари ва акциялари, ёшларнинг дала-ўқув майдонлари ва ҳарбий қисмларга экскурсиялари, спорт мусобақалари ташкиллаштирилди ҳамда ушбу тадбирларга 100 249 дан ортиқ ёш қамраб олинди.

«Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!»

Ёшларнинг маънавиятини юксалтиришга қаратилган 959 та тадбир, жумладан «Эъзоз», «Эҳтиром», «Авлодлар учрашуви», «Фахрийлар ўғити» шиори остида учрашувлар, «Армия ва ёшлар» мавзусида суҳбатлар, ёшларнинг тарихий обидаларга саёҳатлари, Меҳрибонлик уйларида 80 марта ташриф ташкил этилди ҳамда ИИБ ходимлари иштирокида 150 та «Терроризм таҳдидлари» мавзусида давра суҳбатлари ўтказилди ва ушбу тадбирларга 50 109 нафардан ортиқ ёш жалб этилди.

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказишга йўналтирилган маданият йўналишида 650 та тадбир ўтказилди, жумладан таълим муассасаларида ҳарбий ансамбль, оркестрлар ва бадий ҳаваскорлик гуруҳларининг концерт дастурлари, таълим муассасаларида ҳарбий қисмлар бадий ҳаваскорлик гуруҳларининг чиқишлари, ўқувчи-ёшлар ўртасида китобхонлик кечалари, маҳаллаларда тадбирлар ташкил этилиб, уларга 40 689 нафардан ортиқ ёш жалб этилди. Шунингдек, уюлмаган ёшлар ўртасида 105 та китобхонлик кечаси ташкил этилди ва 3 389 нафардан ортиқ ёш иштирок этди.

Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида 642 маротаба учрашув ва суҳбатлар ўтказилди. Жумладан: «Сиз қонунни биласизми?», «Диний экстремизм етакчилари томонидан олиб борилаётган тарғибот хавфи», «Эр йигитнинг эр йигитга айтган гапи таъсирли бўлади» шиори остида учрашув ва суҳбатлар, спорт мусобақалари ҳамда алоҳида тоифадаги ёшларни дала-ўқув майдонларида ўтказиладиган ўқув машғулотларига ташрифлари амалга оширилди ва 22 790 дан ортиқ ёш қамраб олинди.

Тошкент вилоятининг 763 та, Фарғона вилоятининг 796 та, Андижон вилоятининг 745 та, Наманган вилоятининг 569 та маҳалласида «Workout» спорт майдончалари барпо этилди, ушбу вазифаларни бажаришга ҳарбий қисмлар негизда тузилган ишчи гуруҳлар жалб қилинди ҳамда мобил ҳарбий-тиббий

отрядлар томонидан 7 760 нафар аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилди.

Ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида Мудофаа вазирлиги томонидан Андижон вилоятининг:

Хўжабод туманида «Ҳар бир ёшга – бир гектар ер» лойиҳаси доирасида 100 гектар ер деҳқончиликни ривожлантириш учун;

Жалақудуқ туманида ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида 700 иш ўринли трикотаж фабрикасини барпо этиш учун 50 сотих ер «Ал-Ҳаким трикотаж» хусусий корхонасига ажратилди;

Қўқон шаҳрида жойлашган ҳарбий қисм ҳудудида «Ёшлар маркази» барпо этилиб, марказда 12 та тўғарак ҳамда бадий ва электрон кутубхона фойдаланишга топширилди.

Наманган вилоятининг ёшларни ҳарбий техника мутахассисликлар бўйича тайёрлаш марказида таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Мазкур марказ ҳар йили 5 та мутахассислик бўйича 600 нафар чақирилувчини касбга ўқитишни ташкил этмоқда.

Жорий йилнинг 25 январидан 3 февралига қадар Жиззах шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмда «Ёш ватанпарварлар йиғини» лойиҳаси асосида 200 нафар уюлмаган ёш билан ҳарбий ўқув йиғини ўтказилди. Ҳар бир вилоят кесимида «Ёшлар билан ишлашнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш бўйича 2021 йилга мўлжалланган «Мард аскар – ёшларга намуна» шиори остида ўтказиладиган комплекс чора-тадбирлар дастурлари» қабул қилинди.

Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда қўшма қарор қабул қилинди ва туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимлари ва ҳарбий қисмларга умумтаълим мактаблари бириктирилди. Ўқувчи-ёшлар ўртасида спортни кенг тарғиб этиш ҳамда оммавий тарзда спорт билан шуғулланишларини янада ошириш мақсадида умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчилари ўртасида мудофаа вазирининг кубоги учун «Ватанпарварлар» ҳарбий-спорт мусобақалари уч босқичда ташкил этилди.

**Подполковник
Сардорбек АБДУСАМАТОВ,
Мудофаа вазирлиги
Тарбиявий ва мафкуравий
ишлар бош қармаси
Ёшлар билан ишлаш бўлими
катта офицери**





Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Эшқобил Шукур билан суҳбат

«КЎЗ ЮМИБ КЎРГАНЛАРИМ»

Ёзувчи О. Генрининг «Вақт қиймати» ҳикоясида 5 яшар болакай доим ишдан кеч қайтувчи отасини кутиб, мижжа қоқмайди. Бир куни у отасидан бир соатда қанча пул топишини сўрайди.

– Тузукроқ савол тополмадингми, жуда чарчаганман, бошимни қотирма, – дейди ота.

– Мен шунчаки билмоқчи эдим, бир соатда қанча пул топасиз? – оёқ тираб олади бола.

– Бир соатда 20 доллар топаман, қўзичоғим.

Бола жавобдан хурсанд бўлиб, отасидан 10 доллар қарз бериб туришини илтимос қилади. Отанинг ғазаби келиб, ўғлига кераксиз ўйинчоқлар учун сариқ чақа ҳам бермаслигини уқтиради. Болакайнинг кўзлари ёшланиб, хонасига кириб кетади.

Шу кеча отанинг уйқуси келмайди. Фарзанди нега пул сўради экан? Кейин 10 долларни олиб, ўғлининг хонасига киради. Бола ҳамон уйғоқ эди.

– Мени кечир, эркатоим, – дейди ота қилган ишидан уялиб.

– Мана сенга 10 доллар, олақол.

Болакай ёстиғининг остидан ғижимланган пулларини олиб, отасига тутқазади.

– Мана, энди пуллар 20 доллар бўлди. Мен бир соат вақтингизни сотиб олмоқчиман. Илтимос, эртага уйга вақтлроқ келинг, бирга тушлик қилмоқчи эдим, – дейди...

– Турмуш ташвишлари билан бўлиб, болаларга камроқ вақт ажратамиз. Бу ота-онанинг тарбиячи мақомига шикаст етказмайдими?

– Аввало, ким масъулиятни қай даражада бўйнига олади, мана шуниси муҳим. Мен бунини «оммавий маданият» ҳақидаги мақолаларимда ҳам ёздим. Ота-онанинг тарбиячилиги бу – доимий мақом. Чунки ота-она боланинг илк кўз очиб кўргани, таъсирчиси. Кейинчалик кўшнилари, маҳалла, мактаб бу жараёнларнинг давомчиларига айланади. Жаҳон саҳнасида оила аталмиш кўрғоннинг йўқолиш хавфи бор. Урғуни бир жиҳатга беришни истардим: ота-она ҳам, бола ҳам ўз танасини, қалбини, руҳиятини омон сақлай олсин. Зеро, тан беморлиги руҳиятнинг илк синдирувчиси. Агар бола шу икки уйғунлик билан улғайса, улуғларимиз айтганидек, уни ҳеч ким енга олмайди. Агар улардан бири оқсаса ҳам инсон ҳар қадамида тушкунликка тушади, мағлубиятга учрайди. Болалик – тана ва руҳ энг таъсирчан бўлган давр. Ёш вужуд ташқи таъсирларни ҳеч бир тўсиқларсиз қабул қилади. Арзимас бўлиб туюлган ҳолат ҳам унинг мўрт туйғуларини синдириб қўйиши мумкин.

– Айтинг-чи, соғломлик тушунчасида жисмоний етукликдан ташқари нималарни кўрасиз?

– Албатта, жисмоний етуклик соғломликнинг ташқи белгиси. Кейин унда онг шаклланади. Халқимиз топиб айтган: соғлом танда – соғ ақл. Ҳар бир ота-онанинг орзуси шу: болам соғлом бўлсин, дейди. Жисмоний етуклик доимо маънавий етуклик билан мувозанатда бўлиши керак.

– «Кўз юмиб кўрганларим» китобингизда қаламга олинган фикрлар кўплаб баҳсларга сабаб бўлганини яхши эслаймиз. Ушбу китоб бола тилидан сўзласа, уларга нима деган бўларди?

– Бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эканман. «Кўз юмиб кўрганларим» болалиқдан ҳозиргача яшалган умрининг бир муддат кўз юмиб қилинган сарҳисоби. Аслида бу ҳаёт инсоннинг кўз очиб кўргани. Унда муқошилар, довлонлар, ютуқлар ва ютқишлар бор. Булар кўз юмиб ўйланганда теранроқ гавдаланади. Китобимда бола тилидан айтилган шеър бор. «Ўзим қалдирғоч бўлсам, Сўзим бўлса суюнчи» деб бошланади. Бу мурғак қалбнинг Ватан ҳақида ўйлари, деганлари. Дунёни ўз қаричида ўлчаб, ўз кўзларида

кўрганлари. Аммо улғайиш ҳар бир бошда бор. Ўшанда ўтган йиллар ва йўлларни қалб чиғириғидан ўтказиш, юрак тарозусида тортиб кўриш керак бўлади. Кўз юмиб кўриш аслида шу мезонларга асосланган.

«Кўз юмиб кўрганларим» тилга кирса, болаларга ҳам, катталарга ҳам шундай дер эди: азалий одатларимизни, миллийлигимизни, руҳиятимизни асрайлик, жонлантирайлик...

– Фарзандларингизга Ватан туйғусини қандай сингдирасиз? Уларнинг саволларига қай мақомда жавоб берасиз: қаттиққўл ота ёки дўст?

– Мен уларга отам, онам, момом ва бобом ҳақида айтиб бераман. Чунки ўзимга ҳам шундай сабоқ беришган. Бу бола улғайгани сари кенгроқ тушунтириб бориладиган жараён. Кейин болаларимга Ўзбекистон манзараларини кўрсатаман. Чунки Ватанни, аввало, кенглик билан англаш керак. Тоғлар, дала, яйловлар инсоннинг тасаввурини кенгайтиради. Аслида бу жойлар ҳар бир инсоннинг кўнглида яшаши керак бўлган манзаралар. Бизда яхши одат бор, қадрли нарсаларга муқаддас сўзларни қўшиб айтаемиз: она ер деймиз, ота макон деймиз, бобо тоғ, деймиз. Жанубий Корея сафарида корейс дўстларга мана шулар ҳусусида гапирган эдим. Бу тимсолларни қаердан олганимни сўрашди. Халқимдан олганман, дедим фахрланиб. Биз томонда дарёга ҳам она сўзини қўшиб айтишади, десам, ишонишади. Тоғни бобо дейишимизни, Боботоғ деган улкан тоғимиз ҳам борлигини айтдим. Аммо улар барибир таржимондан бу халқ ростдан ҳам тоғни бобо дейишадими, деб сўраб кўрди. Бунга ўзим гувоҳман.

– Дунё миқёсида ҳамма болалар ҳам тўқ, соғлом ва бахтли эмас. Бемор бола билан соғлом боланинг ҳаётини қарашларида қандай фарқни сезасиз?

– Бу жуда оғир савол. Ҳеч ким боласининг касал бўлишини истамайди. Бемор боланинг кўзига қарашдан оғири йўқ. Айниқса, ота-она учун. Агар беморлик боланинг руҳиятига ўтса, бу катта фожа. У теварак-атрофни, дунёни хомуш ва бахтсиз тасаввур қила бошлайди. Фикрлаши, хатти-ҳаракатларида ҳам тушкунлик аломатлари сезилиб туради.

Соғлом боланинг кўзига бутун олам беғубор кўринади. У ҳалок бўлаётган ҳайвондан тортиб, қуриб бораётган дарахтни ҳам қувноқ кўриши мумкин. Негадир фарзандим чизган суратлар эсимга тушди. У нимани чизса, албатта, унда кулиб турган лаблар бўларди. Тоғ дейсизми, дарахт дейсизми – ҳаммасида шу ҳолат. Бир куни ундан нега қуёшни кулиб турган ҳолатда чиздинг, деб сўрасам, қуёшнинг



ўзи кулиб турибди-ку, дейди. Кўрдингизми, бола сўзларида қандай ҳарорат бор. Менимча, инсонни ҳаётда ушлаб турувчи куч муҳаббат ва қувноқлик бўлса керак.

– Тўрт яшар бола Абдулла Ориповнинг «Онажон» шеърини ёддан айта олишига гувоҳ бўлдим. Кимдир бу болага оғирлик қилади, деса, баъзилар буни маъқуллашди.

– Инсон ҳаётида маълум бир фасллар бўлади. Менимча, у ўша фаслларга ҳамоҳанг яшаши керак. Яъни болаликни болаларча, йигитликни йигитларча, кексаликни донишмандларча. Агар олтмиш ёшли одам ёш боланинг қилигини қилса, кулгига қолади. Унга ўз даражасидаги феъл-атвор ярашади. Аммо боланинг болалиги қандай бўлиши ҳақида ҳам аниқ бир гап айтиш қийин. Чунки хотира, идрок ҳаммада бир хил эмас. Агар у катталар ҳам эсда сақлаши қийин бўлган шеърларни ёдлаган бўлса, бу унинг имконияти юқорилигидан далолат. Бундан фақат хурсанд бўлиш керак. Бизнинг улуғларимиз илмга жуда эрта киришишган. Абу Али ибн Сино, Имом ал-Бухорий, Мирзо Улуғбек каби боболаримиз болалигиданоқ замонасини лол қолдирган. Масалан, Алишер Навоий беш ёшида Фаридиддин Атторнинг «Мантик ут-тайр» асарини ёддан билган. Агар шу мезон билан қаралса, ўша болага нисбатан илиқ фикрларни айтиши мумкин. Шахсан мен истеъдодни қорачикдай асраш тарафдориман. Чунки иқтидорли болалар ўта нозик ва таъсирчан бўлади. Кичкинагина рағбат ёки эътиборсизлик ҳам унинг дунёсини остин-устун қилиши мумкин. Иқтидорли боланинг тарбияси одатдагидан ўн баравар қийин кечади. Уларнинг муваффақияти ҳам шунга яраша бўлади.

**Лейтенант
Бобур ЭЛМУРОДОВ
суҳбатлашди.**

2021 йил 1 АВГУСТДАН | қонунчилигимизда рўй берадиган айрим ўзгаришлар

✓ Маҳаллий экспортчиларга хориждан маҳсулот олиб, импорт қилмасдан учинчи давлатга тўғридан-тўғри сотишга рухсат берилади ¹.

✓ Ер участкалари хусусий секторга – мулк ва ижара ҳуқуқи асосида, давлат ташкилотларига – доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилади.

✓ Ҳокимлар ва маҳаллий кенгашларнинг ер участкаларини тўғридан-тўғри ажратиш, фойдаланишга бериш, келгусида ажратиш учун захиралаш, бириктириш, ободонлаштириш учун бериш ёки ерларни бошқача йўл билан тасарруф қилиш, суғориладиган ерларни суғорилмайдиган ёки бошқа ер тоифасига, суғорилмайдиган қишлоқ хўжалиги ерларини бошқа ер тоифасига ўтказиш ва улар юзасидан қарор, фармойиш ёки бошқа турдаги ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқи бекор қилинади ².

✓ 2024 йил 1 январга қадар нодавлат таълим ташкилотлари томонидан таълим жараёнида фойдаланиладиган бино ва иншоотлар ижара тўлови харажатларининг 50 фоизгача миқдорда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади. Ушбу тартиб Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида жойлашган ва таълим жараёнида фойдаланиладиган бино ва иншоотларга татбиқ қилинмайди ³.

✓ Шаффофлик ва қонунийликни таъминлаш, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида давлат харидлари соҳасида ўтказилаётган тендер (танлаш) натижаларини мажбурий тарзда очик эълон қилиш амалиёти жорий этилади ⁴.

✓ Электрон ҳукуматни ривожлантириш доирасида жисмоний ва юридик шахсларга барча белгиланган давлат божлари, йиғимлар, жарималар ва бошқа мажбурий тўловларни электрон тўлов тизимларидан фойдаланган ҳолда онлайн режимда тўлаш имконияти тақдим этилади ⁵.

✓ Ўқув гуруҳларини рўйхатга олиш, ҳайдовчиликка номзодлардан имтиҳонларни қабул қилиш учун ҳужжатларни ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш учун барча тегишли ҳужжатларни ЯИДХП орқали ҳам тақдим этиш имконияти яратилади ⁶.

✓ Ҳомиладор аёлларни комплекс кузатиш бўйича ягона тизим жорий этилиб, унда қуйидагилар назарда тутилади:

✓ ҳомиладор аёлнинг комплекс кузатуви ягона маълумотлар базасини яратиш; перинатал ва скрининг марказлари ҳамда бирламчи тиббий-санитария муассасаларидаги оналар ва болалар саломатлигига масъул тузилмалар томонидан ягона маълумотлар базасига зарур маълумотларни киритиш, шунингдек, ҳомиладор аёлларнинг тиббий картасини юритиш; шаклланган маълумотларга асосан ҳомиладор аёлларга зарур маслаҳатларни бериш ⁷.

✓ Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизими жорий этилади ⁸.

✓ Давлат суд экспертизаси муассасаларининг фойдаланилмайдиган биноларини (корпусларини) суд-экспертлик фаолиятини амалга ошириш шарт билан хусусий шерикларга ижарага тақдим этиш тизими жорий этилади ⁹.

Ҳуқуқий асос:

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 июлдаги «Божхона маъмуриятчилиги ва тартиб-таомилларини янада соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.

² Президентимизнинг 2021 йил 8 июндаги «Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони.

³ Президентимизнинг 2021 йил 25 июндаги «Нодавлат таълим ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва таълим жараёнида ёшлар учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

⁴ Президентимизнинг 2021 йил 6 июлдаги «Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.

⁵ Президентимизнинг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

⁷ Президентимизнинг 2021 йил 25 майдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.

⁸ Президентимизнинг 2021 йил 16 июндаги «Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

⁹ Президентимизнинг 2021 йил 5 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони.

Таҳририят

Tanlov

Қўшинларда тарбиявий ва мафкуравий ишлар ўқув-моддий базаларини такомиллаштириш, ҳарбий хизматчилар учун замонавий қулайликлар яратиш, шахсий таркибнинг зарурий билимларни эгаллашлари учун имкониятлар бериш, ташаббускор шахсларни рағбатлантириш ҳамда уларнинг илғор ижодкорлик тажрибаларини оммалаштириш мақсадида Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлигида «Энг яхши маънавият ва маърифат хонаси» танлови ўтказилди.



Республикада эълон қилинган карантин қоидаларини инобатга олган ҳолда танлов видео-конференц-алоқа тарзида онлайн ўтказилди. Танлов низомига кўра, иштирокчилар 2 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан иштирокчиларнинг чиқишлари тақдим этилаётган объектнинг замонавий ва ностандарт дизайнда жиҳозланганлиги, ёруғ ва шинамлиги, белгиланган талабларга мувофиқ кўргазмалар ахборот стендларининг

ИЛҒОР ИЖОДКОРЛИК ТАЖРИБАЛАРИНИ ОММАЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА



мавжудлиги каби йўналишларда одилона ва шаффоф тарзда баҳолаб борилди.

Танлов натижаларига кўра, Фарғона шаҳрида жойлашган ҳарбий қисм офицери майор Баҳодиржон Азимбоев томонидан намойиш этилган маънавият ва маърифат хонаси фахрли биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг нав-

батдаги – Мудофаа вазирлиги босқичида иштирок этади.

Яқунда ғолиблар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги матбуот хизмати

ШЕРДОР – ЯЛАНГТУШБЕЙ БАҲОДИР ОРЗУСИ

Шердор Самарқанддаги энг машҳур ва катта мадраса, 64 хужра ва иккита дарсхона, битта масжиди бор эди. Унда 2 нафар мударрис 138 нафар талабага шаръий илмлардан дарс ўтган. Ўқув жараёни яхши шароитда олиб борилиши учун мадрасада 1 нафар имом, 1 нафар муаззин, 1 нафар фаррош, 1 нафар сартарош, 1 нафар мешкобчи хизмат қилган. Бу мадраса Мирзо Улуғбекнинг эл орасида доврўқли, аммо табиий офатлар туфайли вайронага айланган машҳур хонақоҳи ўрнида барпо этилганди.

Тош лавҳдаги битиклар

Айрим мадрасалар бош тоқи ё кўпинча дарвозалари ёнида уни қурдирган шахс ва бунёд этилган йили битилган тош лавҳлар учрайди. Шердор мадрасасида ҳам шундай битик сақланиб қолган. Унга қуйидаги форсий сатрлар битилган.

Сафларни бузғувчи одил Ялангтуш келди,
Олқишга шайланган тилдан дурлар тўкилди.
Ер уза қурдирди у ажойиб мадраса,
Фалак чархи бағри фахр авжига тўлди.
Ақл қуши учса ҳам неча йил шахд ила,
Ета олмай тоқига забуну ҳолсиз бўлди.
Тафаккур камандини отиб, Бугу ҳар чанд,
Маъно минорига етказолмай лол бўлди.
Меъмор унинг тоқларин тиклаб чун, ҳайратдан
Чарх бу ҳилолни кўриб, бармоқ тишлар бўлди.
Ялангтуш Баҳодир бино этгач, унинг
Қурилган йили «Ялангтуш Баҳодир» бўлди.

Тош лавҳнинг охириги сатри тагида рақамда ҳижрий 1028 санаси ёзилган. У абжаддаги «Ялангтуш Баҳодир» жумласидан ҳосил бўладиган рақам билан мос. Демак, Самарқанднинг донгдор олий ўқув юрти милодий 1619 йили бунёд этилган.

Қуёш, Йўлбарс ва Оху

Ялангтушбей мадрасасини «Шердор» номи билан оламга танитган шу тасвирлар эди. Ҳозирга қадар бу тасвирлар муаррихлар ва тадқиқотчилар томонидан турлича талқин қилинади.

Абу Тоҳирхожа таърифи: «Буюклигидан бу мадраса ҳаёл идишига сиғмайди. Улканлиги ҳеч бир тавсифга жой қолдирмаган. Баланд тоқи – Фалак равоқи кабидир. Офтоб чехрасини асад буржига яқинлаштириб, икки шер оҳуни тутадиган қилиб пештоқига сурат солинган.

Офтоб панжасини ғаддор шерлар бошига қўйиб турибди. Ҳар икки равоқ биқинида рангли зийнатлар ва нақш билан безалган икки гўмбаз бор. Улар тепасига кўтарилган баланд гўлдаста минорлар барчани ҳайратда қолдиради».

Маҳмудхожа Бехбудий «Шердор мадрасаси» номли мақола ёзади ва ўзи ташкил этган «Оина» журналининг 1913 йилги 1-2-сонларида чоп этади. Ундан айрим парчаларни келтирамиз:

«Ушбу мадрасаи олия Туркистон подшоҳларидан Имомқулихон ҳазратларининг давринда сипоҳсолор ва ҳам Самарқандга волий бўлган Абдукарим Ялангтуш Баҳодир тарафиндан бино қилингандур...

Мадраса икки ошёна бўлиб, 64 хужра, иккита катта дарсхона дохилан тўрт катта тоқни муштамалидур.

Мадраса икки минори жавориндаги икки қуббанинг бири масжид, дигари бир турба зиёратгоҳдир».

Яна: «Пештоқининг хорижий жабҳасинда меҳробнинг икки бир-бирига муқобил икки шерарслон рангинда мулавлан тасвир қилингани учун мадрасаи Шердор аталибдур. Арслон нақшасининг асари бу кунда ҳам маълумдир. Мадраса ва миноранинг бошқа жиҳатларинда тасвир йўқ. Ва аксарият ила оят, ҳадис ва тарихий абётни мрамларга музаикланган ва кошин мулавлан чинийлар ила ёзилгандур».

Америкалик сайёҳ кундалигидан

XIX асрнинг учинчи чораги охирларида Самарқандга келган америкалик сайёҳ Скайлер Южан ёзади: «Шердор мадрасаси майдоннинг шарқий томонида жойлашган. Айтишларича, 1648 йили Имомқулихоннинг вазири ўзбек ўғли Ялангтушбей Баҳодирхон томонидан қурилган. Олд томони икки қаватли хужралар, майдонга қараган тарафи равоқли деразалар, бошқа икки ёни йирик равоқли пештоқли қилиб қурилган. Ҳар бир бурчида қуббалари қовунсимон гўмбазлар қад кўтарган. Мадрасанинг ёнлари деразаларсиз, олд ва ён томони кошинлар билан безатилган.

Биз асосий остонадан ўтиб, ҳар бирида икки нафар талаба яшовчи 64 хужрали катта ҳовлига кирдик».

Мазкур олий ўқув юрти америкалик сайёҳни ўзига ром этади. У, албатта, Шердор ва Мирзо Улуғбек мадрасаларини ўзаро қиёслаб ўрганади. Шердор мадрасаси бош тоқига чизилган нақшлар ва суратларни томоша қилаётиб, уларни Эрон анъаналари билан боғлашга уринади ва ўзи билганича талқин қилади. Аммо уларнинг асл маъносини англай олмайди.

Ботурхон Валихўжаев тавсифи: «Пештоқдаги бу рамзий сурат ҳар хил талқин қилинади. Унинг илм даргоҳи бўлиши мадраса пештоқига бўлганини, бизнингча, шундай тушунса бўлар.

Қуёш – ёруғлик, илм. Шер – куч-қувват. Кийик – гўзаллик ва нафосат рамзи. Демак, ким илм-фан нуридан баҳраманд бўлса, у шерий куч-қудратга эга бўлади ва нафосат оламини забт эта олади, деган маънони ифода этиш назарда тутилган бўлса керак».

Айрим тадқиқотчилар Абу Тоҳирхожанинг таърифини қувватлаб, мадраса бош тоқига шер сўврати мазкур олий ўқув юрти асад буржида қурилганига ишора эканини таъкидлайди.

Шердор ва Варахша

Шердор мадрасаси бош тоқида оҳулар изидан эргашган йўлбарслар тасвири акс этган. Улар Бухоро вилоятидаги Варахша девор расмидаги жинсдошларига жуда ўхшайди. Орадан бир ярим минг йил ўтиб, мусаввир ушбу мадрасада ўзининг азалий ишини давом эттирган...

Варахша йўлбарслари қадимий туркларнинг улўғ хоқони Алп Эр Тунга рамзидир. Бугунги ўқувчи уни кўпроқ Афрасиёб номи билан танишини айтгандик. Эски замонларда турк қавми фил овловчи йўлбарсни «тунга» деб атаган. Ҳазрат Маҳмуд Кошғарий бу сўзни изоҳлайди: «Тунга – йўлбарс жинсидан бўлган ҳайвон, филнинг кушандасидир. Бу сўзнинг асл маъноси шудир. Лекин ҳозир туркларда маъноси ўзгарган, кўпинча одамларга «Тунгахон», «Тунга Тегин» дея лақаб ўрнида ишлатилади.

Туркларнинг улўғ хоқони Афрасиёбни Тунга Алп Эр деб атар эдилар. Йўлбарс каби қўрқмас алп одам демақдир».

Шердор мадрасаси бизни яна Туроннинг шонли ўтмиши билан юзлаштирмақда. Мадраса бош тоқида кўҳна воқеа иштирокчилари ҳаракатланаётгани кўзга ташлана бошлайди.

Қуёш – Тангри таолонинг ер юзидаги барча мавжудотларига илоҳий марҳамати – маърифатидир.



Ўзбек халқи оғзаки нутқида олис ўтмиш ва бугунги кунда ҳам улўғ устозлар ва олимларга нисбатан «ҳақиқат қуёши» ибораси тез-тез қўлланади. Мадраса бош тоқига шу маъно тасвири маҳорат билан жойланган. Ундаги офтоб оламга ёруғлик, тириклик қуввати – илм тарқатади. Инсон қалби ва шуурини ёритади. Шайх Мағрибий дейди:

Қуёшини кўриб, зарралардан кечдик,
Ул зот илинжида сифатлардан кечдик.

Тунга (йўлбарс) – Яратганнинг илоҳий марҳаматидан баҳраманд бўлиб, ўзини енга оладиган куч-қудратга етишган, нафси истакларини маҳв эта олган, таслимиётга яқинлашган хилқатдир. Шунинг учун бош тоқдаги йўлбарслар оҳулар ортидан эргашиб бормоқда. Ҳидоят қуёши ёғдулари таъсирида ўзларининг табиатига хос йиртқичлик сифатларидан воз кечган.

Оху – Ҳақ маърифати натижаси, умр мазмунидир. У Ошиқни висол сари элтади, унинг тўхтаб қолишига йўл қўймайди. Оху кўзлари – дунёларни ларзаларга солувчи Маъшук соғинчидан ҳосил бўлган «оҳ»лар манзилдир. Ҳазрат Навоий дейди:

Не оху ашқдур, еткур, илоҳий,
Бу сарсар бирла тўфонимга офат.

Қалбдаги тўфон ва саркаш шиддат оху кўзлари-га тўқнаш келган заҳоти ювошгина бўлиб қолади. Унинг кимё назари ва киприклари бўйсунмас туғёнларни жиловлайдиган буюк офатдир.

Бу тасвирларни томоша қилувчи шуурида аста-секин кўҳна дунё воқеалари жонлана бошлайди. Уни Шердор мадрасаси оламига бошлаб киради. Бу жойда ибодатга айланаётган илмни учратасиз. Йиртқич ва беозор ўтхўр жонзотлар қуршовида ишқ тахайюлига ғарқ бўлиб ўтирган Мажнунни ҳам шу ердан топса бўлади. Бу воқеалар узоқ асрлар давомида ҳар куни Самарқанд Регистонидаги Шердор мадрасасида содир бўлган. Улар сал илгарироқ Мирзо Улуғбек хонақоҳи воқеалари эди.

Кўраётганларимиз Туроннинг улўғ фарзандларидан бири дарвеш Ялангтуш Баҳодир қўшиғидир. У тушини яланг этиб, мўминлар шафоатчиси ҳазрат Расулulloх, дўстлари Сиддик ва Умар... яқин асҳоблари, барча ишонч эгалари, Ҳақ ошиқларига ҳозир ҳам хизмат қилмоқда. Олдинги китобимизда капалак қувалаб, бутун дўзахни оралаб чиққан қаландар ҳам шу воқеалар орасида унинг ортидан ҳануз югуриб юрибди.

Мана, қандай воқеаларга дуч келиб турибмиз, Шердор мадрасаси бош тоқида. Воқеалар ичкарисига чуқур кириб кетмаслик учун ўзимизни шу ердан қайтарамиз.

(Давоми бор)

Абдусаттор ЖУМАНАЗАР,
ЎзРФА Шарқшунослик институти
катта илмий ходими

XXXII ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ

23 июль куни Япония пойтахти Токио шаҳрида XXXII ёзги Олимпиада ўйинларининг тантанали очилиш маросими ўтказилди ва эртаси куни расман старт олган тўрт йилликнинг нуфузли мусобақаси айни кунда қизғин паллага кўтарилди. Спортчиларимизнинг «Токио – 2020»даги муваффақиятини 25 июль куни -68 кг вазн тоифасида даянга чиққан Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) таэквондочиси Улуғбек Рашитов олтин медални қўлга киритиш билан бошлаб берди. Мусобақанинг учинчи куни юртимиз оғир атлетикачиси Муаттар Набиева (-55 кг) даст кўтариш машқида 98 кг тошни кўтариб, Олимпиада рекордини янгиледи, лекин ушбу рекорд натижа ҳам унинг «Токио – 2020» совриндори бўлиши учун камлик қилди.

Дунё коронавирус балоси билан курашаётган бир паллада XXXII ёзги Олимпиада ўйинларининг минг бир машаққатлар билан кечиктириб бўлса-да ташкил этилгани, унда жаҳоннинг 200 дан зиёд давлатидан 12 минг 500 нафардан ошдиқ спортчи 33 та спорт тури бўйича 339 медал жамланмаси учун кураш олиб бориши, Олимпия ўйинларининг том маъноси эса инсониятни эзгуликка, ҳамжиҳатликка чорлаш эканлиги Токио шаҳридаги «Олимпия» стадионида мухлисларсиз ўтказилган, лекин телеэкранлар орқали бутун дунёга намоиш этилган расмий очилиш маросимида таъкидланди ва унинг шioriда ҳам ўз аксини топди: «Тезроқ, баландроқ, кучлироқ – биргаликда».

Халқаро Олимпия қўмитаси (ХОҚ) томонидан тарғиб қилинаётган гендер тенглик кенг татбиқ этилиши муносабати билан ташкилий қўмита қарори ва мусобақа сценарийсига кўра, барча давлатлардан икки нафар спортчи – эркак ва аёл атлет байроқдор бўлиб ўз мамлакати спорт делегациясини Олимпия майдонига олиб чиқиши белгиланганди. Унга мувофиқ, барча юрт спортчилари Олимпия ўйинлари тарихида илк бор икки нафар байроқдори етакчилигида, жумладан, Ўзбекистон атлетлари боксчиси Баҳодир Жалолов ва таэквондочси Нигора Турсункулова бошчилигида Ватанимиз байроғи остида «Олимпия» стадиони майдонига кириб келишди. Таъкидлаш жоиз, аввалроқ Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси (МОҚ) томонидан бўлажак Олимпия ўйинларида байроқдорларимиз боксчи Бобоусмон Батулов ҳамда афсонавий спорт гимнастикачимиз Оксана Чусовитина бўлиши маълум қилинганди. Лекин мусобақа регламентига кўра,

Оксананинг 25 июль куни саралаш босқичда қатнашиши, Бобоусмоннинг ҳам эртароқ баҳсларга қўшилиши маълум бўлди ва шу боисдан уларни ортиқча толиқтирмаслик мақсадида «Токио – 2020» штаби ҳамда федерация раҳбарлари билан маслаҳатлашган ҳолда 21 июль куни байроқдорларимиз ўзгартирилди.

БИРИНЧИ КУН

XXXII ёзги Олимпиада ўйинларининг илк олтин медали хитойликларга насиб этди. Аёллар ўртасида 10 метрдан милтиқдан отиш баҳсида 251.8 очко жамғариб, Олимпиада рекордини янгиллаган Циан Янг «Токио – 2020» Олимпия ўйинларининг илк ғолиби бўлди. Кумуш медал россиялик Анастасия Галашина (251.1 очко) ва бронза медал швейцариялик Нина Кристенга (230.6 очко) насиб этди. Ушбу баҳсларда қатнашган Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) вакили Мухтасар Тоҳирова эса 622.2 очко тўплаб, 33-кўрсаткични қайд этди.

Ҳа, бу галги Олимпия ўйинларининг биринчи кунги баҳслари спортчиларимиз учун биров омадсиз бўлди. Жумладан, спорт гимнастикасининг кўпкураш баҳслари бўйича саралаш босқичида иштирок этган ҳамюртимиз Расулжон Абдурахимов ўзининг сеvimли параллель тўсинда машқ қилиш йўналишида 14.733 очко жамғарди. Бироқ бу финал йўлланмаси учун етарли бўлмади. Турли машқлар, яъни таяниб сакраш, параллель тўсин, турник, эркин машқ, спорт оти ва ҳалқа бўйича якунда жами 79.064 очко жамғарган спортчимиз мусобақани 49-натижа билан тугатди. Юртимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомина эса ҳиндистонлик Сумит Нагалга қарши кечган мурасасиз баҳсда 1:2 ҳисобида мағлубиятга учради. Вакилимиз иккинчи сетда ғалаба қозониб, учрашувда биров бурилиш ясагандек бўлди, бироқ ҳал қи-

лувчи сетда ҳиндистонлик ракетка устасига омад кулиб боқди. Дзю-дочимиз Шарофиддин Лутфиллаев (-60 кг) украиналик Артём Лесиукка қарши курашди. Шарофиддин кутилмаганда вазари баҳоси билан имкониятни бой бериб қўйди ва Олимпиадани эрта тарк этди. Жа-зоирлик Абдулхафид Бенчаблага қарши рингга кўтарилган боксчиси Санжар Турсунов (-91 кг) тенг курашлар остида кечган жангда кичик фарқ билан мағлубиятга учради. Шунингдек, боксчимиз Шахноза Юнусова польшалик Каролина Косевскага ютқазди.

Велоспортчимиз Муроджон Холмуродов ҳам «Токио – 2020» Олимпия ўйинларидаги иштирокини қониқсиз якунлади. Таъкидлаш жоиз, регламентга кўра, тоғли ва текис йўллардан иборат 234 км масофа бўйича ўтказилган пойгада стартга чиққан 130 нафар иштирокчиларнинг ярми финишгача етиб бормади, ҳамюртимиз эса 64-бўлиб маррага етиб келди.

Шпага қуролида жанг олиб борган MVSM вакили Малика Ҳакимова хитойлик Йивен Сунга қарши баҳс юритди. Қизиқарли кечган беллашувда хитойлик қиличбоз 15:10 ҳисобида ғалаба қозонди. Қиличбозликнинг сабля йўналишида эса 19 ёшли ҳамюртимиз, MVSM вакили Шерзод Мамутов руминиялик Юлиан Теодосиуга қарши жанг қилди ва 11:15 ҳисобида имкониятни бой берди. Академик эшак эшиш бўйича спортчиларимиз Собир Сафаралиев ва Шахбоз Холмирзаев (MVSM) ҳам «Токио – 2020» Олимпия ўйинларидаги биринчи чиқишларини якунлашди. Енгил қайиқдаги жуфтлик баҳсларида қатнашган вакилларимиз 2 000 метр масофага кечган дастурда 6:44.98 дақиқа натижа қайд этишди. Бу билан улар ўз гуруҳларида 4-ўринни банд этишди.

ИККИНЧИ КУН

Якшанба кунги баҳсларда 11 нафар атлетимиз қатнашди ва делегациямиз ҳисобидаги «Токио – 2020» Олимпия ўйинларидаги илк медал Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази таэквондочиси Улуғбек Рашитов (-68 кг) томонидан қўлга киритилди. Эндигина 19 ёшни қаршилаган ҳамюртимиз дастлабки саралаш босқичида малилик Сейду Мофанани 38:17 ҳисобида мағлуб этди. Кейинги босқичда эса Улуғбек рейтингда 1-ўринни эгаллаб турган корейлик Ли Дэ Хунга қарши даянга чиқди. Дастлабки раундда имкониятни бой берган Рашитов кейинги раундларда устунлик қилди. Асосий вақт 19:19 ҳисобида якунланди. Баҳс тақдирини ҳал қилган «Олтин зарба»да вакилимиз 2 очкони қўлга киритиб, чорак финалга йўл олди. Рашитов бу босқичда эронлик

Мирҳошим Ҳосайнидан 34:22 ҳисобида устун келиб, ярим финалгача чиқди. Финал учун баҳсда ҳамюртимиз Босния ва Герцеговина вакили Недзад Хушиччи 28:5 ҳисобида таслим этди. Шу тариқа, Улуғбек Рашитов «Токио – 2020» Олимпия ўйинларининг камида кумуш медалини нақд қилди. MVSM вакили финалда амалдаги жаҳон чемпиони, рейтингда 2-ўринни эгаллаб турган британиялик Бредли Синденга қарши даянга чиқди. Баҳс ўта кескин ва мурасасиз курашларга бой бўлди. Таъкидлаш жоиз, баҳс якунланишига 6 сония қолганда Улуғбек 26:28 ҳисобида мағлубиятга учраётган эди ва сўнгги сонияларда кетма-кет зарба берган ҳолда 34:29 ҳисобини қайд этди ва олтин медалга сазовор бўлди. MVSM аъзоси шу тариқа таэквондочиларимиз орасида Олимпия ўйинларида медал қўлга киритган илк совриндорга айланди. Токиодан



«ЁРҚИН ЮЛДУЗ»

Газетамизнинг шу йил март ойидаги сонларидан бирида «Ўзбекистон таэквондосининг бўлажак ёрқин юлдузи» сифатида эътироф этилган Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш марказининг 19 ёшли таэквондочиси Улуғбек Рашитов XXXII ёзги Олимпиада ўйинларида ҳам чемпионликка эришиб, юртимиз спорт мухлислари ишончини оқлади. Зафар қозонган спортчимиз шарафига Токиода юртимиз байроғи баланд кўтарилиб, Ватанимиз мадҳияси янгради! MVSM вакили мамлакатимиз таэквондочилари орасида Олимпиада ўйинларида, шунингдек, «Токио – 2020»да медал қўлга киритган илк вакил сифатида спортимиз тарихидан жой олди.

«Ёрқин юлдуз»лик йўлида муҳим қадамлар ташлаётган Улуғбек 2018 йилнинг апрель ойида Тунисда ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида бронза, кузда (октябрь) Аргентинанинг Буэнос-Айрес шаҳри мезбонлик қилган ўсмирлар ўртасидаги III ёзги Олимпиада ўйинларида кумуш медалга сазовор бўлган. 2019 йилги ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида эса ғолиблик шохсупасига кўтарилиш билан бирга қитъамиз таэквондо мутахассислари томонидан «Мусобақанинг энг яхши спортчиси» деб топилган. Ёш таэквондочимиз «Turkish Open»нинг 2020 йилги катталар ўртасидаги баҳсларида ҳам қатнашган ва дунё миқёсида ном қозониб улгурган бир қатор тажрибали рақибларини ҳам мағлуб этиб, мусобақанинг бронза медали билан тақдирланган. 2021 йилда эса ушбу «Turkish Open»нинг олтин медалини қўлга киритган.





ОКСАНАНИНГ КЎЗЁШЛАРИ...

Ватанимиз спортининг фахри, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи, «Дўстлик», «Меҳнат шухрати», «Эл-юрт ҳурмати» орденлари ҳамда «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби Оксана Чусовитина Токиодаги «Ariake Gymnastics» спорт аренасида ўз фаолиятидаги сўнгги сакраш-ни амалга оширди. Номи дунё спорт гимнастикаси тарихий саҳифаларига «саккизинчи бор Олимпиада ўйинларида иштирок этган биринчи спорт гимнастика устаси» сифатида битилган спортчимиз чиқиши бу гал мутахассислар томонидан 14.166 балл билан баҳоланди. Афсуски, бу балл ҳамюртимизнинг финалга чиқиши учун кифоя қилмади ва...

...бир фурсат дунёни титратган ҳаяжонли лаҳзалар... ўз умрини спорт гимнастикасига бахш этган спортчимиз афсонанинг кўзёшлари севимли Ватани – Ўзбекистон байроғи акс этган бармоқлари устидан сизиб ўтиши... Оксананинг кўзёшлари...

Гарчи спортчимиз парвози финалга чиқиш учун камлик қилган бўлса-да, номи абадийликка кириш учун етарли бўлди. Оксананинг кўзёшлари... экран қаршисидаги миллионлаб мухлислар, ҳамкасблари, мураббийлар ва ҳатто у билан бирга баҳс олиб борган бошқа юрт спорт гимнастикачиларининг қаттиқ ҳаяжонига ҳамда олқишларига сабаб бўлди... спортчимиз афсонаси катта спорт билан шу тариқа хайрлашди. Баракалла, Оксана! Кейинги мураббийлик фаолиятингда ҳам Олимпия ўйинлари ва биз сен билан: «Тезроқ, баландроқ, кучлироқ – биргаликда».

бутун дунёга намоиш этилаётган нуфузли мусобақада музаффар спортчимиз шарафига Ватанимиз мадҳияси янграб, Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилди!

Юртимиз боксчиси Турсуной Раҳимова эса Олимпиадада ғалаба қозонган биринчи ўзбек аёл боксчиси сифатида тарихга кирди. -51 кг вазн тоифасида рингга кўтарилган боксчимиз биринчи босқичда польшалик Сандра Драбикни 4:1 ҳисобида енгиб, нимчорак финалга йўл олди. Боксчимиз Элнур Абдураимов (-63 кг) эса дастлабки жангини Осиё чемпиони мўғулистонлик Чинзориг Баатарсухга қарши ўтказиб, яқунда кичик фарқ билан ғалаба қозонди. Ҳамюртимиз Дилшод Рўзметов (-81 кг) ҳам кейинги босқичга чиқди. Дилшод дастлабки жангини ирландиялик Эммет Бреннанга қарши ўтказди ва жанг давомидаги устунлиги

яқунда ҳакамларнинг очколарида ҳам ўз тасдиғини топди.

Велоспортчимиз Ольга Забелинскаянинг эса бу галги Олимпиададаги иштироки яқунланди – 137 км масофага кечган гуруҳ пойгасида вакилимиз финиш чизиғини тўққизинчи бўлиб кесиб ўтди. Аҳамият-лиси, Ольга Забелинская Осиёлик спортчилар орасида энг яхши натижа қайд этди ва велосипед спорти бўйича Олимпия ўйинларида қатнашган илк аёл спортчимиз сифатида тарихга кирди.

«Nippon Budokan» аренасида татамига чиққан дзюдочимиз Сардор Нуриллаев (-66 кг) дастлабки босқичда молдовалик Денис Виеруга қарши беллашди. Қизғин кечган баҳс қўшимча дақиқаларгача чўзилди. 12 дақиқа чўзилган курашда вакилимиз жароҳати сабаб мусобақани давом эттира олмайдиган бўлди ва рақиб кейинги босқичга йўл олди. MVSM вакили Диёра Келдиёрова (-52 кг) ҳам мўғулистонлик Сосорбарам Лхагвасуренга имкониятни бой бериб, медаллар учун курашни эрта тўхтатди.

MVSMнинг ёш оғир атлетикачиси Адҳамжон Эргашев (-67 кг) «Токио – 2020» Олимпия ўйинларида совриндор бўлишга яқин борди. У даст кўтариш машқини 139 кг, силтаб кўтариш машқини 173 кг натижа билан яқунлади. Икки кураш бўйича қайд этилган 312 кг натижа билан вакилимиз 6-ўринни эгаллади. Бу дастурда ғалаба Олимпия рекордини ўрнатган хитойлик Лижун Ченга (145+187=332 кг) насиб этди.

учинчи кун

«Токио – 2020» Олимпия ўйинларининг учинчи кунини юртимиз оғир атлетикачи Муаттар Набиева (-55 кг) даст кўтариш машқиди 98 кг натижа қайд этиб, Олимпиада рекордини ўрнатди ва даст кўтариш машқини 1-ўрин билан яқунлади. Силтаб кўтариш машқиди эса у 114 кг натижа қайд этди. Мухлислар спортчимизнинг совриндор бўлишини кутиб турган бир паллада оғир атлетикачиларнинг силтаб кўтариш машқиди рақобати авж олди ва кетма-кет Олимпиада рекордлари янгиланиб, яқунда Муаттар 212 (98+114) кг натижа билан 4-ўринга тушди. Даст кўтаришда 90 кг натижа қайд этган қозоғистонлик Зулфия Чиншанло силтаб кўтариш бўйича сўнгги уринишида 123 кг (90+123=213 кг) тошни кўтариб, ҳамюртимизни бронза медалдан ҳам мосуво қилди. Ҳа, «Токио – 2020» Олимпия ўйинлари бугунги кунда ана шундай қизғин паллага кўтарилди. Таъкидлаш жоиз, Муаттар Набиева Олимпия ўйинларида кучли тўртликка кирган ва Олимпиада рекордини ўрнатган дастлабки оғир атлетикачи қизимиз сифатида тарихга кирмоқда.

MVSMнинг 18 ёшли қиличбози Зайнаб Дайибекова ҳам совриндор бўлишга жуда яқин борди. Сабля йўналишида кечган дастлабки жангда қиличбозимиз япониялик Аоки Чикани 15:9 ҳисобида мағлуб этди. Иккинчи даврада унга Осиё ўйинлари финалчиси хитойлик Яци Шао рақиблик қилди. Дайибекова ушбу беллашувда ҳам 15:10 ҳисобида устун келди. Қиличбозимизга нимчорак финалда кореялик Жи Су Юн қарши келди ва кескин баҳс Дайибекованинг 15:12 ҳисобидаги ғалабаси билан яқунланди. Саблячимиз чорак финал баҳсини венгриялик Анна Мартонга қарши ўтказди. Шиддатли ва муросасиз кечган беллашувда ёш қиличбозимиз

11:15 ҳисобида мағлуб бўлди ва иштирокини кучли саккизлик билан яқунлади. Бу, албатта, Олимпиадада дебют қилган ёш спортчимиз учун жуда ажойиб натижа.

Ўзбекистон терма жамоасининг асосий таэквондочиларидан бири саналган MVSM аъзоси Никита Рафалович ҳам кетма-кет рақибларини мағлуб этиш орқали кун давомида юртимиз спорт мухлисларини чуқур ҳаяжонга солди. Бирок... иштирокини доминиканлик Эрнандесга қарши бошлаган Рафалович (-80 кг) 17:7 ҳисобида ғалаба қозонди. Чорак финалда вакилимизга сўнгги икки жаҳон чемпионатларининг ғолиби озарбайжонлик Милад Беги рақиблик қилди. Муросасиз жангда Рафалович устун келди ва MVSM вакили мухлислар наздида чемпионлик сари дадил қадам ташлади. Аммо таэквондочимиз иорданиялик Солих Элшарабатига



БОБОНОВДА БРОНЗА МЕДАЛЬ

Юртимиз спортчиларининг «Токио – 2020»даги муваффақиятини Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази таэквондочиси Улуғбек Рашитов олтин медални қўлга киритиш билан бошлаб берган бўлса, MVSM дзюдочиси Давлат Бобонов (-90 кг) давом эттирди. 2020 йил юртимизда «Йилнинг энг яхши спортчиси» деб топилган Бобоновнинг XXXII ёзги Олимпиада ўйинларидаги илк рақиб Италия терма жамоаси аъзоси Николас Мунгаи бўлди. Мусобақани бешинчи сараланган дзюдочиси сифатида бошлаган дзюдочимиз бу рақибини вазари баҳси билан енгди. Иккинчи даврада спортчимиз украиналик Кежау Нхабалига қарши татамига кўтарилди. Беллашув давомида украинлик дзюдоччи тақиқланган ҳаракат билан ҳужумга ўтгани учун унга техник мағлубият ёзилди ва Бобонов муддатидан аввал ғалаба қозонди. MVSM вакилининг чорак финалдаги грузиялик Лаша Бекаурига қарши баҳси кўнгилдагидек яқунланмади. Лаша Бекаури ҳужумга ўтган вақт «Бобонов нотўғри ҳаракат билан ҳимояланди», деган қарор билан ҳакамлар грузин дзюдочисига ғалабани бериб юборишди. Шу тариқа Давлат бронза медал учун ўтиш босқичида амалдаги жаҳон чемпиони испаниялик Николоз Шеразадишвилига қарши беллашишига тўғри келди. Бу рақибини мағлуб этган Давлат Бобонов бронза медал учун баҳсда туркиялик Михаил Зганқдан ҳам устун келди ва XXXII ёзги Олимпиада ўйинларининг бронза медали билан тақдирланди.

қарши деярли тенгма-тенг тарзда кечган ярим финал жангининг қўшимча дақиқасида имкониятни бой берди. Унинг бронза медал учун хорватиялик Тони Канаетга қарши жанги ҳам муваффақиятсиз яқунланди. Дастлабки раундда фаол бўлган ҳамюртимиз, афсуски, қолган бўлимларда сустлашди – учрашувда 18:24 ҳисоби қайд этилди ва Никита Рафалович Олимпия ўйинларини 5-ўрин билан яқунлади.

MVSM дзюдочиси Ҳикматиллох Тўраев (-73 кг) илк босқичда германиялик Игорь Вандткедан устун келиб, кейинги босқичда 2018 йилги жаҳон чемпиони кореялик Ан Чангримга қарши татамига чиқди. Асосий вақтда ғолиб номи аниқланмади. Қўшимча вақтда кечган курашда рақиб вазари баҳси билан ғалабани илиб кетди.

«Рио-2016» чемпиони бўлган боксчимиз Шаҳобиддин Зоиров (-52 кг) «Токио – 2020»ни ҳам ғалаба билан бошлади. У туркиялик Батухан Чифтчиға деярли имконият қолдирмади. Олимпиададаги дебют жангини ўтказган боксчимиз Фанат Қахрамонов эса грузиялик Гиорги Харабадзени мағлуб этди.

ТЎРТИНЧИ КУН

«Токио – 2020» Олимпия ўйинларининг тўртинчи кун баҳсларини дзюдочимиз Фарангиз Ҳожиева (-63 кг) бошлаб берди. Кабо-Верде вакиласи Сандрин Биллетга қарши баҳсда ҳамюртимиз оғриқли усулга тушиб қолди ва бошқа дзюдочиларимиз каби медаллар учун курашни эрта тўхтатди. Қорақалпоғистонлик дзюдочимиз Шарофиддин Болтабоев эса Олимпия ўйинларидаги дебютини ишончли ғалаба билан бошлади. Вануатулик Хуго Кумбога қарши баҳсда Болтабоев ўз ғалабасини тантана қилиши учун санокли сониялар кифоя қилди. У кейинги босқичда болгариялик Ивайло Ивановни мағлуб этиб, чорак финалга йўл олди. Бу босқичда Шарофиддинга 2019 йилги жаҳон чемпиони, австриялик Шамил Борчашвили рақиблик қилди. Шиддатли курашда полвонимиз қўшимча дақиқада вазари баҳси билан имкониятни бой берди, бироқ бронза медал учун курашиш имконини сақлаб қолди. Ўтиш босқичида унга грузиялик Тато Григалашвили қарама-қарши келди. Баҳсда Григалашвилининг тезкорлиги иш берди ва вакилимиз Олимпиадани кучли саккизликда яқунлади.

Таэквондочимиз Светлана Осипова илк беллашувини қозоғистонлик Жанзель Денизга қарши ўтказди. Муросасиз беллашув 9:9 ҳисобида яқунланаётган бир пайтда ҳамюртимиз қўл зарбасини ўтказиб юборди ва мағлубият аламини тотди. Боксчимиз Бобоусмон Батуров эса доминиканлик рақибига қарши жангда ғалаба қилиб, медаллар учун курашни давом эттирадиган бўлди. Ўзбекистон делегацияси аъзоларининг тўртинчи кун дастуридан ўрин олган чиқишларини сузувчимиз Хуршиджон Турсунов яқунлаб берди. 100 метрга эркин усулда сузиш баҳсларида иштирок этган Турсунов 50.14 сония натижа қайд этди. Бу ярим финалга йўл олиш учун етарли бўлмади ва навоийлик спортчимиз ўз иштирокини яқунлади.



Расул ЖУМАЕВ,
«Vatanparvar»

YOSHLAR – HAL QILUVCHI KUCH

Хамиша жамиятда, инсонлар орасида ўзини самимий тутиб турувчи, умр бўйи китоб варақлашга, ўзгаларга яхшилик ва ширин сўз улашишга аҳд қилган бу тиниб-тинчимас йигит ҳақида жўяли нимадир қоралашни анчадан бери дилимга тугиб юрардим. Бир умр муаллималик касбини эъзозлаб, қатор ўғил-қизларни тарбиялаган Тошхон аянинг кенжаси бўлган Отабек Мухторов ёшлигиданоқ оиладаги муҳит сабаб билимга, китобга ошно бўлиб, ўсиб-ўлғайди.



ОТАБЕКНИНГ ХАЗИНАСИ

(эссе)

Билимдонлик — ажаб яхши матодир,
Бу бойликсиз қолиш катта хатодир.

Низомий Ганжавий

Моҳир педагог — она ўз фарзандларининг ҳам баркамол бўлмоғи учун қўлидан келган хизматларини аямади. Отабек ўрта мактабда билим пойдеворини мустаҳкамлаб олгани сабабли университетга киришда ҳам қийналмади ва давлат гранти асосида талаба мақомини олди. Илк кунларданоқ у сабоқларни кунт билан ўзлаштирди. Дастлабки тадқиқот лойиҳалари устидаги изланишларини ҳам бошлаб юборди, университет «Мунозара» фан-клубига етакчилик қилди. Раҳматли дасаси ихтирочи бўлгани боис Отабек ҳам чиқиндилардан ёғ-мой олиш борасида излана бошлади. Иккинчи тарафдан эса у психолог сифатида ўзи яшаётган Андижон вилоятидаги Истиқлол, шунингдек, Андижон ҳамда Избоскан туманидаги Навжур маҳалласи ва бошқа манзилларда вояга етмаганлар билан мулоқотда бўлиб, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, тарбияси оғир ёшлар билан мустақил шуғулланиш каби юмушларни амалга оширди. Ҳатто орада катталар учун ҳам суҳбат-дебатлар ташкил қилди. Мана шу изланиш-интилишлари учун у талабалигида Алишер Навоий номидаги давлат стипендиясига сазовор бўлди. Бу ўз-ўзидан унинг учун магистратурага йўл очилди, дегани эди.

2010 йилда ўтказилган олий ўқув юртлари талаба-магистрлари ўрта-

сидаги илмий-амалий анжуманда у «Энг ёш илмий тадқиқотчи» сифатида эътироф этилди. Ўша йили республикада экология мавзусидаги илмий-амалий анжуманда эса «Энг яхши илмий мақола муаллифи» деб топилди.

У 2017 йилда Андижон вилояти Ёшлар иттифоқи кенгаши психологи сифатида вилоят ҳудудидаги қатор ҳарбий қисмларда бўлиб, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оилалари билан мулоқотлар олиб бориб, оилалар бир бутунлигини сақлаб қолишга катта улуш қўшди. Отабек шу билан бирга, вилоятдаги кўплаб туманларда ҳам ҳаётда тушкунликка тушган айрим ёшлар, оила вакиллари билан суҳбатлар уюштириб, инсонларнинг яшашга бўлган иштиёқи, ҳаётга муносабатини ижобий тарафга ўзгартирди. У бу билан чекланмай, вилоят радиоси орқали ҳафтанинг пайшанба кунинда соҳасига оид эшиттиришлар уюштирди.

Унинг фаолият кўлами кенг бўлиб, Россияда нашр этиладиган «21 аср фани» илмий журналида ёшларни оммавий маданият балосидан асраш борасидаги мақоласи учун энг истиқболли тадқиқот акс эттирилган мақола йўналишида имтиёзли сертификат билан тақдирланди. Биринчи Президентимизга йўлланган оташин самимият ва ҳаётдан шукроналик руҳи билан йўғрилган

хати «Президентга мактублар» туркум китобларидан бирига киририлгани, «ЎзЭкспоМарказ»да бўлиб ўтган «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар» тўққизинчи республика ярмаркасида ўз лойиҳаси доирасида 12 миллион сўмлик шартнома имзолашга эришгани ёш олим ҳаётида унутилмас воқеалардан бўлиб қолди. «ЎзЭкспоМарказ»даги ярмаркада иккинчи бор қатнашишда эса у 184 миллион сўмлик шартнома имзолашга эришди.

Отабек Мухторов фақат тадқиқотчи-олим, руҳшуносгина эмас, у айни чоғда тадбиркор, боғбон ҳамдир. Избосканлик Абдорбек Юнусов билан биргаликда туманда катта мевазор боғ ва иссиқхона барпо этиб, аҳоли ва яқинлари дастурхонига сархил маҳсулотлар тақдим этиб келмоқда.

Отабек, юқорида айтганимиздек, оилада ибратли фарзанд. Халқ таълими соҳасида онасининг изидан бораётган акаси, Андижон шаҳридаги 3-умумий ўрта таълим мактаби директори ўринбосари Муҳаммадсодик, келинройиси, шунингдек, шу мактаб ўқитувчиси Шаҳноза Мухторова каби илму фанда жавлон ураётди. Андижон давлат университети психологи бўлган қаҳрамонимиз ёшларга сабоқ бериш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш каби ишлар билан бир қаторда, Ўзбекистон Миллий университети

профессори Эргаш Ғозиев илмий раҳбарлигида психология фанлари бўйича фалсафа доктори даражасини олиш учун тадқиқотларни жадаллаштириб, бугунгача кўплаб хорижий давлатларда чоп этилувчи илмий журналларда ўз мақола, тезисларини эълон қилди. Кўплаб илмий семинарлар ўтказди. У оилада меҳрибон ота сифатида турмуш ўртоғи Холисхон билан бирга фарзандларини эртанги кунга муносиб қилиб тарбиялаш ҳаракатида.

Ёш олим, устоз, боғбон, фермер, тадбиркор, «Мустақилликка 25 йил» кўкрак нишони ва қатор сертификатлар соҳиби, самимий инсон Отабек Мухторов ҳамда унинг инсоний қирралари ҳақида бир мақола доирасида батафсил тўхталишнинг иложи йўқ, чунки у ҳар ҳафта, албатта, бир натижа ё ютуқни қўлга киритади. Ўз билими, иқтидори, меҳнати билан юртимиз раўнақига, илму фанга ҳисса қўшишга юракдан бел боғлаб, эртанги кунга қатъий ишонч ва тўқин бахт ҳисси билан яшаётган ибратли фаолият соҳибига, албатта, омад тилаймиз. Илмни хазина, истиқбол инвестицияси деб биладиган Отабекнинг қалб хазинаси тобора бойиб бораверишига тилакдошимиз, албатта!

Икромжон
АСЛИЙ-АНДИЖОНЙ,
шоир ва адиб, публицист

Videokonferensiya

БАХТЛИ ОИЛА – ЖАМИЯТ БОЙЛИГИ

Бир ҳақиқатни ҳеч қачон инкор қилолмаймиз: эр-хотин — оила учун тенг жавобгар. Тафаккур чигиригидан ўтказилиб, идрок тарозусида тортилганда ҳам бу масалада эркак ва аёлнинг тенглиги асосли бўлиб чиқади. Уларнинг муаммолари ҳам моҳиятан бир-бирига дахлдор. Уларнинг қалби, ҳаёт йўли, ҳатто туйғуларида ҳам тафовут йўқ. Улар аҳил, иноқ умр кечирсагина, бир бутунга айланадилар. Бунинг учун оилада аёл ва эркак ўртасида меҳр, муҳаббат, садоқат туйғулари барқарор бўлиши керак. Бунинг ўз вақтида англаб етмаслик — улкан хатоларга эшик очиб бериш, вақтида тушуниб етиш эса бахт сари босилган дастлабки қадам демакдир.

Ҳа, оила — улкан китоб, улуғ мактаб. Бу китобни ўқишга қанча кўп киришсангиз, у шу қадар сизнинг яқин суҳбатдошингизга айланади. Бу мактаб бахтга эришиш йўлининг аввалидир. Биз доимо «Ҳаёт нима?», «Оила бўлиб яшашдан мақсад не?», «Муносиб ҳаёт кечириш учун қандай йўл тутмоқ керак?», «Бекаму кўст бахтга эришишнинг сири нимада?» каби саволларга жавоб излаймиз. Қўролли Кучлар академиясида бўлиб ўтган «Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари маънавияти ва маданиятини ошириш — барча мансабдор шахсларнинг устувор вазифаси» номли илмий-маърифий видеоконференцияда сўзга чиққанлар ўз фикр-мулоҳазалари орқали мана шу саволларга батафсил жавоб бердилар.

Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги муносабати билан «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» шиори остида ўтказилган мазкур тадбирда Республика Маънавият ва маърифат маркази «Тарғиботчилар гуруҳи» аъзоси, фалсафа фанлари



доктори, профессор Жамила Шермуҳаммедова, Ички ишлар вазирлиги ХПББ Хотин-қизлар масалалари бўлими муҳим топшириқлар бўйича инспектор майор Назокат Таджиева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, меҳнат фахрийси Ойдин Анорова ҳамда Тошкент шаҳар Мактабгача таълим бош бошқармаси бўлим бошлиғи Шариф Кўчимов иштирок этди.

Маърузаларда оила маънавияти, ҳарбий оила бекаси зиммасидаги масъулият, фарзанд тарбиясида ота ва онанинг ибрати, инсон маънавиятини



юксалтиришда китобнинг ўрни ва аҳамиятига ҳам алоҳида урғу берилди. Мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун яратилаётган шарт-шароитлар эътироф этилди. Шу билан бирга хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларни турли таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича бугун юртимизда амалга оширилаётган ишлар ҳамда оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитга таъсир қилувчи омиллар ҳамда уларнинг оқибатлари ҳақида атрофлича фикр юритилди. Шунингдек, ҳарбий оила фарзандларини мактабгача таълим ташкилотларига жойлаш тартиби, қондаси, бу борада қонунчиликдаги ҳуқуқий асос ҳақида ҳам маълумот берилди.

Анжуман давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб олдилар.

Г. ҲОЖИМУРОВА

JASORAT UNUTILMAYDI

Мамлакатимизда байрам шукуҳи кезмоқда. Албатта, бугунги дориламон кунлар ўз-ўзидан бўлган эмас. Зотан, не-не азаматлар ширин жонини тикди тинчлик учун. Кунлар келдики, уларнинг қалбидаги орзу ушалди. Ўзбекистон тинч ва осуда диёрга айланди. Демакки, энг улуг, энг азиз байрам арафасида Ватан тинчлиги ва осойишталигини сақлаш йўлида жон фидо қилган мардлар номини юксак эҳтиром билан ёдга олиш, хотирлаш шу юртда умргузаронлик қилаётган ҳар бир инсон зиммасидаги ҳам фарз, ҳам қарз амалдир. Чунки Ватан фидойи фарзандларини ҳеч қачон унутмайди!

«МЕН ДАДАМГА ЎХШАЙМАН»

Хожа Самандар Термизийнинг «Ҳикматлар бўстони» китобидан шундай сўзларни ўқидим: «Ботирлар деб шундай кишиларга айтиладики, у ўз элининг тинчлиги учун машаққат қадаҳини қабул қилиб, шоду хуррамлик билан нўш этади. Марди майдон деб шундай кишиларга айтиладики, бундай кишининг ақли бирор ишни қилишга қарор топса жонидан кечиб, ҳаётидан қўл ювиб, мақсад майдонига қадам қўяди». Марҳум катта лейтенант Шермуҳаммад Аширов Ватанимизнинг ана шундай марди майдон фарзанди эди. У ўзидан яхши ном ва эзгулик аталмиш боғ қолдириб кетди.

– Дадаси вафот этганда қизимиз Маҳмуда эндигона бир ярим ёш эди, – дея хотирлайди Умида Аширова. – Айрилиққа кўникиши унгаям жуда қийин бўлган. Кечалари «дада» деб йиғлаб чиқарди, эшик «тиқ» этса, «дадам келди», деб югурарди. Унга қараган сайин менинг юракбағрим эзиларди... Турмуш ўртоғим яхши инсон эди. Ҳамма у киши ҳақида фақат яхши гап айтарди. Кўнглингдан жой олган инсоннинг ҳақида ёқимли сўз эшитиш барибир бошқача. Шундай лаҳзаларда юракнинг дукури оламини тутгудек бўлади, фахр-ифтихордан дунёларга сизмай кетасан. Аммо... соғинч яна бўй кўрсатади: «Қанийди, тирик бўлганда!» Вақт ҳар дардга даво, дейдилар. Рост, ўтган йиллар дардимни бироз советди. Лекин қалбимдаги муҳаббат оташини сўндирол-



Эслаймиз, соғинамиз... фахрланамиз!



энг яхши ота. Онамдан, бувим ва бобомдан дадам ҳақида кўп яхши таърифлар эшитганман. Уларнинг очик кўнгиллиги, меҳрибонлиги ва оилапарварлигини бошқаларга ўрناк қилиб кўрсатишади. Ўшандай вақтларда орзиқиб кетаман, соғинаман ва... фахрланаман... Дадам жисман йўқ бўлсалар-да, руҳан қалбимизда мангу яшайди. Мен турмуш ўртоғимни худди дадамдек



дим. Агар бу кунларни турмуш ўртоғим кўрганида қанчалик хурсанд бўларди... Илоҳим, фарзандлар бахтини, камолини кўриш ҳаммага насиб этсин.

фазилатли инсон бўлишини орзу қилардим. Тақдир мени ана шундай инсонга рўпара қилди. Бунинг учун тақдиримдан миннатдорман.

Яна бир йилдан сўнг университетни тамомлайман. Мақсадим – эгаллаётган соҳамнинг етук мутахассиси бўлиб, эл-юрт равнақига муносиб ҳисса қўшиш.



ОТ ИЗЕНИ ТОЙ БОСАДИ

Марҳум капитан Жаҳонгир Тагаев ҳам хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган юртнинг ботир ўғлонларидан бири. Унинг ортида уч нафар фарзанди қолди: Жасур, Аслиддин, Масрур. Дадаси вафот этганида 6 ойлик бўлган Масрур бугун 13 ёшда. Аслида, 13 йил қисқа муддат эмас. Эътирофга сазовор жиҳати, мана шу йиллар ичида Нафосат опа ўзининг букилмас иродасини намоён қилди. Тақдирнинг улкан синовини бардош билан енгди. Фарзандларини ҳам ота, ҳам она ўрнида оқ ювиб, оқ тарди. Бировдан кам қилмади. Мана, кунлар келдики, аёлнинг бу фидойилиги ўз мевасини бера бошлади: тўнғич ўғли Жасур ота изидан бориб, ўтган йили Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юртига ўқишга кирди!

– Фарзандларимдан умидим катта. Улар худди дадаси каби Ватанга керакли инсонлар бўлишига ишонаман, – дейди марҳумнинг рафиқаси Нафосат Йўлдошева. – Жасурим менинг суянчиғим. У укаларига ҳар жиҳатдан ўрناк бўлиб келган. Одоби, тартибли, мулоҳазали. У олий ҳарбий билим юртига ўқишга кирганида мен, «ҳадемай, ёнимда суянчиқ деб билган қоям юксалиб, улкан тоғдек таянчга айланади», деб чексиз қувонган-

– Дадамдан яхши хотиралар қолди. Деярли ҳар куни ишдан келишлари билан эгниларидаги формасини ечмасдан бизни кўчага айлантеришга олиб чиқиб кетардилар. Ҳеч қачон қаттиқ гапирганларини, танбех берганларини эслолмайман, – дейди курсант Жасур Рўзиев. – Оиламизда байрамлар бошқача нишонланарди. Дадам, онам ва биз, болалар тўкин дастурхон атрофида шодон ўтирганларимиз хотирамга муҳрланиб қолган. Дадам ҳаёт бўлган кунлар барибир бошқача эди... Эсимда, дадам бир гал туғилган кунимга ўйинчоқ вертолёт совға қилганлар. Ўшандаги қувончимни кўрсангиз эди. Айнан шу сабаб учувчилик касбига меҳрим тушган. Мен дадамга: «Худди сиздек учувчи бўламан», дердим. Бу орзу балоғатга етганимда ҳам қалбимни тарк этмади. Мана, орзумга эришяпман. Бундан бахтиёрман.

Бугун орамизда дадам бўлмасалар-да, улардек меҳр кўрсатадиган инсонлар, жонажон Ватаним борлигини доим хис қилиб яшайман. Мана шундай юртда туғилдим, қадрланяпмиз, ҳеч қачон ёлғизланиб қолганимиз йўқ. Шундай экан, ишончга, эъозга, эҳтиромга муносиб жавоб қайтаришимиз керак, деб ўз олдимга қатъий мақсад қўйганман.

**Майор Гулнора
ҲОЖИМУРОВО**

TARIX

БУХОРО ХОНЛИГИДА

ҳарбий соҳада олиб борилган ислоҳотлар

XVI аср бошларида шаклланган Бухоро давлати сулолалар алмашинуви ва сиёсий-иқтисодий эврилишларга қарамасдан XX аср бошларигача, 400 йилдан ортиқроқ ҳукм сурди ҳамда ўзбек давлатчилиги тарихида, унинг тараққиёти босқичларида ўзига хос из қолдирди.

XVI–XVIII асрларда Мовароуннаҳрда дастлаб Шайбонийлар, сўнг Аштархонийлар ҳукмронлик қилди. Аштархонийлар ҳукмронлигининг ниҳоясида Бухоро хонлигидан Фарғона мулкларининг ажралиб чиқиши ва Қўқон хонлигининг шаклланиши натижасида Мовароуннаҳр учта мустақил давлат – Хива, Бухоро, Қўқон хонликларига бўлиниб кетди.

Шунга қарамасдан, мазкур давлатлар орасида Бухоро хонлиги (1756 – 1920 йилларда Бухоро амирлиги) ўзининг сиёсий, иқтисодий ҳамда ҳарбий мавқеига кўра, бирмунча етакчи давлат ҳисобланган. Мамлакатнинг ҳарбий соҳасини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида турли вақтларда қатор ислоҳотлар амалга оширилган ва буни деярли ҳар бир сулола вакиллари ҳукмронлиги даврида кузатиш мумкин.

Мамлакатнинг сиёсий ҳаётида, давлат бошқарувида йирик саркардалар, қўшин бошлиқларининг ўрни



катта эди. Ички ва ташқи хавфни бартараф этишда, янги ерларни босиб олиш учун қилинадиган истилочилик юришларида қўшинларнинг сони, ҳарбий тайёргарлиги, қўшин бошлиқларининг қўмондонлик маҳорати катта аҳамият касб этарди.

XIX асрда Бухоро амирлигида ҳарбий соҳада ва ҳарбий ишларда жиддий ўзгаришлар амалга оширилди. Бундай ислоҳотлар қисман бўлса-да, манғитлар сулоласи асосчиси

Муҳаммад Раҳим томонидан олиб борилди. Бухоро амирлигининг ҳарбий қудрати, айниқса, Амир Насрулло ҳукмронлиги даврида ўзининг энг юқори нуқтасига етди. Унинг даврида Бухорода мунтазам армия – сарбозлар (*сипоҳ*) қўшини ташкил этилди. Уларнинг сони 40 мингга яқин бўлган. Қўшинлар отлик ва пиёда жангчилардан ташкил топган бўлиб, уларнинг қуроллари асосан қилич, найза ва ўқ-ёйдан иборат эди.

Бухоро амирлиги қўшинлари мамлакатнинг барча шаҳарларида, айниқса, чегара шаҳарлар (*Жиззах, Ўратепа, Қоракўл, Марв*)да жойлаштирилган. Бу даврда Бухорода замбараклар ясовчи чет эллик (*эронлик*) мутахассислар ҳам бўлганлиги, бироқ шунга қарамай, қўшинни замонавий милтиқлар ва замбараклар билан қуроллантириш соҳасида бошланган ишлар тугалланмасдан

қолиб кетади. Натижада XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Бухоро амирлигининг катта қисми Россия қўшинлари томонидан босиб олинди.

Буни, ўз навбатида, XVII–XIX асрларда минтақамизда ҳарбий соҳада ҳеч қандай юксалиш бўлмаганлигини ҳамда замонавий қурол-яроғларнинг етарли эмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

Олий ҳарбий амалдорлар «саркарда» унвонига эга бўлиб, давлат хазинасидан маош олиб туришган. Амирдан кейин турувчи энг юқори ҳарбий амалдор «қўшбеги» (*қўшин бошлиғи*) турарди. Унга қўшинни бошқаришда додхоҳ,

қўрғонбеги, тўқсоба, мингбоши каби олий ва понсад-боши, юзбоши, дахбоши каби ҳарбий бўлинма бошлиқлари ёрдам беришган.

Ҳарбий соҳада амалга оширилган ислоҳотлар амирликнинг ҳарбий салоҳиятини оширишга маълум даражада ижобий таъсир кўрсатган бўлса-да, бироқ XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси билан ўзбек хонликлари ўртасида юзага келган ҳарбий вазият, империя ва Бухоро қўшинлари ўртасида бўлиб ўтган бир қатор ҳарбий тўқнашувларда амирлик қўшинларининг мағлубиятга учраганлиги Бухоро амирлиги қўшинларининг замонавий ҳарбий ишларда орқада қолганлигини кўрсатган эди.

А. ЕСБЕРДИЕВ,
Қуроли Кучлар
академияси ўқитувчиси

Ҳарбий таълимда

Бугунги кунда ёшларимизга юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиш, маҳаллаларда соғлом муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш ҳамда Ватан равнақи йўлида улар масъулиятини оширишда давлат ва ўзини ўзи бошқариш органлари ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилиб келмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2014 йил 18 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ёшларини ҳарбий хизматга тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида ҳам бир қанча устувор вазифа ва йўналишлар белгиланган бўлиб, ушбу қарорда Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Хотин-қизлар кўмитаси, «Нуроний» жамғармаси ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ушбу соҳада ҳамкорликни амалга оширувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳисобланиши кўрсатиб ўтилган.

Бу ишларни рўйбга чиқаришда, биринчи навбатда ёшларни чақирувча қадар бошланғич тайёргарликдан

миллий туйғулар жилоси

ўтказиш ишлари самарадорлигини ошириш ва уларни ҳарбий хизматга тайёрлаш тизимини соддалаштириш, ёш авлодни ҳарбий ҳаётга тайёрлашнинг пойдевори ҳисобланади. Бунинг учун эса етарли қонунчилик базаси олдиндан шакллантирилган бўлиши керак бўлади. Бундан ташқари, мазкур қарорда ёшларда юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртга садоқат, адолат, ҳалоллик ва жасорат каби олижаноб фазилатларнинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Мудофаа, Соғлиқни сақлаш, Фавқулодда вазиятлар, Жисмоний тарбия ва спорт вазирликлари, «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Хотин-қизлар кўмитаси,

«Нуроний» жамғармаси ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ўзаро ҳамкорликда ёшларни миллий армиямиз сафида ўз йигитлик ҳамда фуқаролик бурчини намунали ўташи учун чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик даврида, кейинчалик ҳаёт мактабида асқатадиган барча сир-синоатларни ўргатишни тизимли равишда йўлга қўйган.

Биргина «Темурбеклар мактаби»ни оладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2019 йилнинг 29 сентябрида «Темурбеклар мактаби» ҳарбий академик лицейларининг инфратузилмаси, ўқув ва моддий-техник базасини такомиллаштириш бўйича комплекс дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги 796-сон қарор қабул қилинди ҳамда унинг ижросини таъминлаш тегишли давлат органлари зиммасига юклатилди. Бундан ташқари, ушбу тизим фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан ҳозирги кунга қадар тегишли саъй-ҳаракатлар амалга ошириб келинмоқда.

Ҳарбийларнинг оила аъзолари ўртасида ижтимоий ҳимояни такомиллаштириш мақсадида ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатилди. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 августдаги 470-сонли қарорига асосан, мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшган, хизматдаги ҳарбий ва илмий фаолиятида маълум бир натижаларга эришган, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари таркибига кирувчи

Imtiyoz va imkoniyat

вазирлик ва идораларнинг контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган офицерлар, сержантлар ва оддий аскарлар таркибидаги ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун олий ҳарбий таълим муассасаларига курсантларни бакалавриятга қабул қилишнинг умумий қабул сонидан беш фоизли квота, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг хизматдаги ҳарбий хизматчи ва ходимларининг фарзандлари учун икки фоизли квота ажратилиши белгиланди.

Мазкур қарор хизмат қийинчиликларини сабот билан ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг нафақат ўзини, балки, уларнинг оила аъзоларини ҳам бирдек қувонтирди, десак, муболаға бўлмайди. Бу қарор келажакда ота-онасига ўхшаб ҳарбий бўлишни орзу қилиб юрган ёшларимизнинг юрагида шижоат машъалини янада алангалади.

Юқорида келтирилган амалий ишлар натижасида, ёш авлоднинг соғлом бўлиб ўсиши, ватанпарварлик руҳида тарбияланиши, сифатли таълим олиши ва баркамол шахс бўлиб вояга етишини таъминлаш, шунингдек, ёшларнинг маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари ва китоб ўқишга бўлган қизиқишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим йўналишларни ҳаётга татиқ этиш бўйича самарали ишлар ҳали-ҳануз жадал суръатларда давом этмоқда.

Майор Зафар НАСИРИДИНОВ,
Жамоат хавфсизлиги
университети катта ўқитувчиси

Ўзбекистон рақамларда

2021 йил 1 январь ҳолатига кўра, юртимизда 0–14 ёшдаги жами болалар сони 10 175 819 нафарни ташкил этган. Шундан:
Ўғил болалар – 5 272 539
Қиз болалар – 4 903 280
Қишлоқда яшовчи болалар – 5 467 085 нафар
Шаҳарда яшовчи болалар – 4 708 734 нафар

Манба: Stat.uz

«VATAN FIDOYI FARZANDLARINI UNUTMAYDI»

«МАШХУРАМ, ФАҚАТ ЎЗИНГГА ИШОН!»

2000 йил 2 август. Сариосиё аэродромидан учган ҳарбий вертолётлар ҳарбий хизматчиларни тоғлар ичида жойлашган қишлоқлар яқинига келтирди. Мақсад – мамлакатимиз чегарасидан тоғ йўллари орқали она тупроғимизга манфур қадамни босган қабиҳ ниятли халқаро террорчилар тўдасини топиб, жойида тор-мор этиш.

Тоғлар бўйлаб гуруҳларга бўлиниб, ҳарбий ҳаракатларда қатнашган Ватан посбонларини турли синовлар кутарди.

Сариосиё ва Узун тумани тоғликларида жанговар фаолият олиб бораётган посбонлар мана, ўн кундирки, ҳаракатларини бир зум бўлса-да, тўхтатгани йўқ. Ҳарбий хизматчилар гуруҳларга бўлиниб, тоғларнинг жангарилар борлиги тахмин қилинган ҳудудларида кундузи кенг кўламли қидирув ишларини олиб борса, тунда позиция ўрнатиб, ҳудудни химоялаш билан банд бўлишади. Катта лейтенант Мўминжон Маҳмудов етакчилигидаги гуруҳ ҳам ўзларига бириктирилган йўналиш бўйича ҳаракат қилмоқда.

Тоғ оралигидаги Девлоқ сойи тошлардан-тошларга урилиб, шарқираб оқади. Гуруҳ ҳарбий хизматчилари сойдан 150–200 метр тепаликда, тоғ қияликларида қидирув ишларини олиб бормоқда. Маълумотларга қараганда, душман тўдаси дарадаги сой қирғоғида жойлашган бўлиши мумкин. Шубҳасизки, бу гуруҳ посбонлари учун хавф тўғдиради. Негаки, пастдан туриб тепани нишонга олиш қулай. Бироқ пастга тушмай туриб, жангариларни аниқлаш мушкул. Хуллас, гуруҳ ҳарбий хизматчилари хавфли вазиятга тайёргарлик кўра бошлади.

Тоғнинг об-ҳавоси ўзига хос. Кундузлари ўта иссиқ бўлса, кечкурун анчагина совуқ. Айни дамда кун тиғи тоғ тепасини оловдек қиздирмоқда. Иссиқ ҳаво нафасни қисади, қуёш нурида чўғдек қизиган тошларга қўл теккизиб бўлмайди. Очиқ жойдаги дарахтлар соясида дам олиш посбонлар учун хавфли.

– Ҳарбий хизматчилар, йўналиш бўйича кузатувимиз сой қирғоғи бўйлаб давом этади. Аммо бизни у ерда нималар кутиб тургани номаълум, – гуруҳ посбонларини огоҳлантирди катта лейтенант Маҳмудов. – Ҳозир нафасни ростлаб, тушлик қилиб оламиз. Соқчиликда турадиган посбонлар диққатига! Ниқобланган позициядан туриб, сой қирғоғидаги бутазорлар ичининг ҳар бир қаричини дурбин орқали қайта-қайта назоратдан ўтказасиз. Лейтенант Нусратов (гуруҳ командирининг ўринбосари), йўналишимиз ҳақида базага ахборот беринг! Барча ўттиз дақиқалик дамдан унумли фойдалансин!

Посбонлар тоғлардаги ҳаракатланиш давомида ёд бўлиб кетган вазифаларини профессионалларга хос ба-

жаришга киришиб кетишди. Ниқобланиш, кузатиш, жанговар қуролларни кўздан кечириш, навбати билан овқатланиш, хушёрлик ва яна хушёрлик.

Гуруҳ командири посбонлар ҳаракатини четдан кузатиб, назорат қилар экан, кўкрак чўнтагидан беихтиёр рафиқаси Машхуранинг суратини кўлига олди. Миллий либосда кўзлари чақнаб турган хушрўй келинчак бахтдан

тортди гуруҳ командири. – Одам бор жойдагина ҳайвонлар ҳаракатланмайди. Сой бўйига дастлаб уч кишидан иборат разведка гуруҳини юборамиз. Вазиятга қараб, гуруҳ посбонлари белгиланган йўналишда давом этади.

Разведка гуруҳи катта лейтенант Маҳмудовнинг буйруғини бажаришга киришди.

Орқангда юк, қўлингда қурол билан тоғ қиялигидан пастга қараб ҳаракатланиш оғир. Сал эҳтиётсизлик ҳам ёмон оқибатга олиб келади. Бироқ разведкачилар нафақат оёқ остига эътиборли бўлиши, балки чор атрофни назорат қилиши лозим. Мана, улар сой қирғоғи томон яқинлашиб қолди. Ҳозирча осудалик. Қирғоққа

гурганди. Қон оқаётган қорин қисмини иккала қўли билан маҳкам тутганча чўккалаб қолган Мўминжонга фельдшер яқинлашди. Оёғининг сон қисмига ўқ теккан сержант Илёсовга сафдоши Ботиржон ёрдамга шошилди. Гуруҳнинг бошқа аъзолари эса душман томонга ўт очиш билан банд. Ўқ зарбидан қорин қисми ёрилган Мўминжоннинг аҳволи оғир эди. Жанг тафсилоти ва ярадорлар ҳақида базага шошилиш хабар юборилди.

Сержант Илёсовга отилган ўқ эса вена томирига теккан бўлиб, қонни тўхтатиш учун ҳаракат қилаётган Ботиржоннинг юзи кутилмаганда фаввора янглиғ отилаётган қон билан қопланди. Сафдошлари

Бу шахарчага кўчиб келишганига кўп бўлгани йўқ. Ён-атрофдагиларни яхши танимайди ҳам. Мўминжон хизмат сафарига кетиш олдидан «Қайтганимдан кейин албатта, сенга иш гаплашаман, ҳамширалигингни қилаверасан», деган эди. «Ёлғизлик, соғинч, йўл кутиш қанчалар оғир. Қани энди, Мўминжон акам ёнимда бўлиб қолса-ю, ёқтирган таомларини пишириб берсам». Ҳозиргина жилмайиб турган жувоннинг кўзлари намланди. Ўзини чалғитиш учун кўлига китоб олди. Кўп ўтмай эшик кўнғироғи кетма-кет овоз берди.

– Ҳо-озир, ким у? – эшик томон шошилди Машхура.



масрур жилмайиб турибди. Мўминжон хотинининг суратига қайта-қайта термилди, уни соғинганини ҳис қилди. «Оила қурганимизга бир йилдан ошди, – хаёлидан ўтказди йигит. – Ҳозир фарзандли бўлганимизда, мен хизмат сафарларида юрганимда боламиз Машхурага шерик бўларди», армон билан хўрсинди у. Ва жанговар операцияга йўл олиш олдидан севимли рафиқасига айтган гаплари ёдига тушди: «Машхурам, ҳаётда фақат ўзингга ишониб яша, фақат ўзингга. Эшитяпсанми, ўзингга ишонсанг, ҳамма орзуларингга эришасан». Мўминжоннинг хайрлашув чоғида айтган сўнги сўзларига Машхура у қадар тушунмади. Кўзларини катта-катта очиб, савол назари билан унинг ортидан термилиб қолди. Севимли рафиқасининг ўша қиёфасини кўз олдига келтирган йигит беихтиёр ўзини койиди: «Аҳмоқ бўлмасам, хайрлашув олдидан шундай сўзлар айтаманми? Ўзингни эҳтиёт қил, мени кут, десам бўларди-ку!» Мўминжоннинг расмга тикилган кўйи юрагини банд этган хаёллар поёнига етмай, соқчиликда турган кичик сержант Фозилов вазият бўйича ахборот беришга рухсат сўради.

– Ўртоқ катта лейтенант, сой бўйидаги дарахтлар ва бутазорда ҳеч қандай ҳаракат сезилмади, ҳатто қушлар учгани йўқ, сув қуйгандек жим-жит.

– Мана шундай сокинликдан кўрқиб керак, – хушёр

чамаси қирқ-эллик метрлар қолганда, қулай жой танлаб, кузатув воситасида сой атрофларини кўздан кечириб бошлашди. Шубҳали ҳолат сезилмади. Лекин тоғларни ўз маконидек ўзлаштирган, ниқобланишга уста жангарилар тулкидек айёр ва кутилмаган разилликларга қодир.

Юқорида турган гуруҳ посбонлари эса разведкадаги сафдошларини химоя қилиш учун жанговар қуролларини сой атрофига тўғрилашган. Катта лейтенант Маҳмудов пастдаги йигитларга тўхтаган жойларига позиция ўрнатишни буюрди. Хавфли ҳолат кузатилса, гуруҳни химоя қилиб туришларини таъкидлаб, ҳарбий хизматчилар билан сой қирғоғи томон ҳаракат бошлади.

Посбонлар оралиқ масофани сақлаган ҳолда, дадил ва хушёр пастга қараб илдамлашмоқда. Ҳаммаси жойида. Аммо ҳарбий хизматчилар разведкачи посбонларга яқинлашганди ҳамки, сой қирғоғидаги бутазор ичидан душман снайперлари ишга тушди. Барча ербағирлаган ҳолда муҳофазага ўтди. Катта лейтенант Маҳмудов ҳам мерганлигини ишга солди. Унинг бутазор томонга олган мўлжали хато кетмади. Бутазор ичидаги жангарининг боши бир кўтарилди-ю, қуладди. Снайпер овози ҳам тинди.

Йигитлар олға қараб силжий бошлади. Лекин босқинчилар сой қирғоғининг бошқа тарафидан яна ўқ ёғдиришга ўтди. Қашқирлар бу сафар катта лейтенант Маҳмудов ва сержант Илёсовни яралаб ул-

уни ҳам яраланди, деб ўйлади. Вазият жиддий, гуруҳ командирининг аҳволи тобора оғирлашмоқда. Шундай бўлса-да, у ўзига ёрдам кўрсатиб турган фельдшерга буюрди: «Сержант Ҳасанов, мени қўйинг, дўхтирсиз, барчасини кўриб, билиб турибсиз. Сержант Илёсовга ёрдам беринг. У ҳали ёш, яшаши керак, илтимос, ҳаётини сақлаб қолинг». Катта лейтенант Мўминжон Маҳмудов айтганидек, сержант Илёсовнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Аммо унинг ўзи ҳам эндигина 25 ёшга кирганди...

Ўн кундирки, Машхура эрининг йўлига кўз тутди. Турмуш ўртоғи Мўминжон ажойиб инсон-да. Рафиқаси билан саломлашиши ҳам, хайрлашиши ҳам ўзига хос. Ўша кунни шошилиш хизматга чақиртирилганда, нигоҳида безовталиқ бор эди. Хайрлашув чоғида «Фақат ўзингга ишон», деганида нимани назарда тутди, Машхура тушуна олмади.

Ёнида Мўминжон каби дилидагини, хаёлини уқиб оладиган тоғдек таянчи турганда, нега энди фақат ўзига ишониши керак? Машхура шуни эслаб, юзига майин кулги ёйилди. Негаки, эр-хотиннинг кўп нарасада фикри бир жойдан чиқади. Ҳатто кийиниш борасида ҳам. Миллий либосларга эътиборли рафиқасининг атласу адрасда ял-ял ёниб туриши уни ҳар гал қувонтиради. Ҳарбий қисм томонидан ўтказиладиган оилавий тадбирларда ҳам миллий либосда боришини истайди. Гоҳида сафдошларига «аёлини кийинтириш мана бундай бўлади», деб мактаниб қўяди.

Машхура очиқ деразадан ташқарига қараб ух тортди.

Турмуш ўртоғим келди, деган ўйда ташқаридаги жавобни кутмай ҳам эшикни очди. Остонада икки нафар ўрта ёшлардаги ҳарбий хизматчи турарди.

– Катта лейтенант Маҳмудовнинг хонадоними? – салом-алиқдан сўнг улардан бири сўради Машхурадан.

– Ҳа, янглишмадингиз, фақат Мўминжон акам уйда йўқлар, – негадир юраги дуқиллаб ура бошлади унинг. – Тинчликми?

– Тинчлик, синглим, тинчлик. Мўминжоннинг хизмат сафарига эканини биламиз. Шунинг учун келдик. Унинг сафари яна бироз чўзилди. Шу сабаб, водийга – қайнона-қайнотангизнинг олдига бориб туришингизни тайинлаб юборди. Ҳозир водийга самолёт учади, тайёр бўлиб чиқсангиз, кузатиб қўямиз. Биздан шуни илтимос қилган. Сизни ташқарида кутамиз.

Машхура бўшаган ҳолда ортига қайтди. Жиддий қиёфадаги гапи кескир ҳарбийларга эътироз билдира олмади. Ёлғиз ўтиргандан кўра келин бўлиб тушган уйига бориб, қайнона-қайнотасининг хизматини қилгани яхши. Мўминжон акаси шуни лозим топган экан, бажариши керак, албатта.

Юк учун мўлжалланган ҳарбий самолёт ўн чоғли ҳарбий хизматчи ва усти ўралган қандайдир юк билан осмонга парвоз қилди. Машхура ёнгинасида – самолёт ичида севимли умр йўлдошининг жонсиз танаси турганини, у билан водийга сўнги бор бирга қайтаётганини билмасди. Ширин орзулар ила қадам босган келинлик хонадони уни айрилиқ қайғуси ила қарши олаётганини билмасди ҳали, билмасди...

Муаллифнинг «Ёвқурлар» қиссасидан олинди.



Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»

Ўзингизни севишни бошланг

Инсон ҳамиша бошқаларда кўрган чиройли хислатларга ва ташиқи кўринишга эга бўлгиси келаверади. «Нега ундайман? Нега бундай эмасман?» деб ўзини қойийди, ўзидан кўнгли тўлмайди. Аслида

эса... сизнинг ҳам ноёб, ўзига хос жиҳатларингиз борки, бошқалар кўриб чин маънода ҳавас қилади. Сиз менда бундай хислатлар йўқ, деб ўйласангиз, демак, сиз ўз қалбингиз билан дўст тутина олмагансиз, қалбингизга қариши кўпгина ишларни амалга оширгансиз!

Бир нарсани билинг, ҳаёт шу турфалиги билан гўзал, шу хилма-хиллиги билан қизиқ. Тасаввур қилинг, дунёда ҳамма бир хил қиёфада бўлганида ҳаёт шунчалар гўзал бўлармиди? Ташиқи кўринишингиз ҳам сизни бошқалардан ажратиб туради. Шунинг учун ҳамиша ўзингизни «Мен

ажойибман», «Мен ягонаман», «Мен ўзига хос ноёб хислатлар соҳибасиман», деган чиройли сўзлар билан сийланг. Ўзгариш шу сўзлардан бошланади. Унутманг, сиз шундайлигингизча кимгадир жуда азиятсиз. Бировлар учун ўзгаришга уринманг!

Фарзандингиз ёлгон гапиряптими?

Сиз уни қаттиқ назорат остига олгансиз!

Ўзига ишонмаяптими?

Уни руҳлантирмас экансиз!

Фарзандингиз сизни кўп безовта қиляптими?

Сиз уни бағрингизга босиб, юзларидан ўпмайсиз!

У бошқаларни ҳурмат қилмаяптими?

Унинг ёнида овозингизни пасайтирмайсиз!

Кўрқоқми?

Уни кўп ҳимоя қиларкансиз!

Доим қовоғи осилганми?

Сиз уни мақтамас экансиз!

Нима гап,

У заифми? Кўп дўқ-пўписа қилар экансиз!

Фарзандингиз қизганчиқми?

Ўзаро ҳамкорлик қилмас экансиз!

Одамови бўлиб қолганми?

Сиз ўзингиз билан ўзингиз оворасиз!

Сизни қизганаяптими?

Демак, сиз унга нисбатан безътиборсиз!

Сизга бўйсунмаяптими?

Ундан кўп нарса талаб қиларкансиз!

Бошқаларга нисбатан тажовузқорми?

Сиз унга нисбатан кўпол муносабатда бўларкансиз!

Яхши гапиролмаяптими? У билан суҳбатлашмайсиз!

фарзандингиз... ми?

Гўзаллик учун

15 ДАҚИҚА



1. Карамли муолажа: дастлаб оёғингизни ивитиб, терингизни юмшатиш. Сўнг ёғли крем ёки вазелин суртиб, карам баргини ёриқ устига қўйинг. Муолажани кечқурун уйқуга ётишдан аввал бажарганингиз маъқул. Карам барги устидан пайпоқ кийиб олса ҳам бўлади. Муолажани тери ҳолати яхшиланишига қараб давом эттирамиз.

2. Картошка билан даволаш: қайнатилган картошкани эзиб, устидан илиқ сув ва 1 ош қошиқ истеъмол содаси солинг. Аралашмага оёқларингизни солиб, 5 дақиқа давомидан ванна қилинг. Муолажани тугатаётганда пемза (махсус тош) билан товонингизни тозалашни унутманг. Сўнг оёқни чайиб, артинг ва ёғли крем ёки вазелин суртинг. Бир неча дақиқадан сўнг қуруқ салфетка билан артиб, пайпоқ кийиб олинг. Бу парваришлар усули уйқуга ётишдан олдин қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.



ҚИЗИЛ ҚОРАҒАТ

ҚўШИБ ТАЙЁРЛАНАДУГАН ТВОРОГЛИ ШИРИНЛИК

Керакли маҳсулотлар:

творог 500 г, сметана 500 г, сут 5 ош қошиқ, манка ёрма-си 2 ош қошиқ, 3 дона тухум, 3 ош қошиқ шакар, бир чимдим туз, 30 г сариеғ, 150 г қизил қорағат.

Тайёрланиши: тво-

рогга сут, ёрма, тухум, шакар ва туз қўшиб аралаштирилади. Аралашманинг ярмини махсус қолипга солиб, устига қорағат териб чиқилади. Кейин эса қолган қисмини солиб, 190 даража қизиган печда аввалига 20 дақиқа, кейин эса 160 даража ҳароратда пиширилади. Усти шоколад қириндиси ва қизил қорағат билан безатилади.

Эслатма: Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бир киши учун суткалик туз миқдорини 5 грамм, шакар миқдорини 30 грамм деб белгилади.

Ёқимли иштаҳа!



МУҲИМ ЖАРАЁНДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

Ёшларни ҳар томонлама етук, баркамол, интеллектуал салоҳиятли ҳамда она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотларининг асосий вазифаларидан биридир. Бу ўта муҳим жараёни ташкилотнинг Сурхондарё вилояти кенгаши тасарруфидаги Жарқўрғон тумани ўқув-спорт техника клуби (ЎСТК) жамоаси ҳам муваффақият билан уддалаб келмоқда.


Бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда туман мудофаа ишлари, халқ таълими бўлимлари ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда турли маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» шиори остида ҳамда «Ёшлар ойлиги» доирасидаги ўтказилган тадбирлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, туман ЎСТК жамоаси томонидан «Ёшлар дафтари» рўйхатига киритилган ёшларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар ҳар томонлама моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланиб, мунтазам равишда спорт тўғаракларига жалб этилмоқда. Айни пайтда мана шу рўйхатга киритилган 75 нафар ёшлар ҳайдовчилигининг «ВС» тоифасига ўқитиляпти.

– Спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш, ёш авлодни маънан ва жисмонан бақувват этиб вояга етказиш борасидаги юмушларимиз сифатини яхшилаш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда, – дейди ЎСТК бошлиғи Шўҳрат Хўжамқулов. – Шу муносабат билан ташкил этилаётган спорт мусобақалари ёшларимизни янада



Фурсатдан фойдаланиб, Жарқўрғон тумани ўқув-спорт техника клуби жамоаси туманда истиқомат қилаётган барча ёшларни «В», «ВС» ҳамда «СЕ» тоифали ҳайдовчилик курсларига, шунингдек, спортнинг техник ва амалий турлари – «Хаво милтиғидан ўқ отиш», «Ракетамодель» ва «Ёзги биатлон» каби тўғаракларда шўғулланишга таклиф этади.



руҳлантирмоқда. Айни пайтда ЎСТК қошида учта секция ва битта тўғарак мавжуд бўлиб, уларда 36 нафар ёш шўғулланмоқда. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида турли мусобақалар ташкил этилаётир. Бундан кўзланган асосий мақсад, биринчидан, спортнинг техник ва амалий турларига ёшларни имкон қадар кўпроқ жалб этиш бўлса, иккинчидан, уларнинг нуфузли мусобақаларда фаол иштирокини таъминлашдан иборатдир. Шу боис ҳам мусобақаларда иштирок этган спортчиларимиз республика босқичида вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар.

Шу кунларда ташкилотда ҳайдовчилар тайёрлаш ишлари ҳам муваффақият билан бажариб келинмоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 475 нафар «В», «ВС» ҳамда «СЕ» тоифали ҳайдовчини тайёрлашга эришилди.

Акбар АЛЛАМУРОВОДОВ



Жарқўрғон тумани Пахта завод маҳалласи, Михли Муталов кўчаси, 29-уй. «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув биноси.



93 764-16-13; 93 223-41-23

Хизматлар лицензияланган.

ХИТОЙ РАКЕТА-КОСМИК САНОАТИ

Хитой Халқ Республикаси раҳбарияти саноатнинг барча тармоқлари, шу жумладан, энг мураккаб ва чуқур илмий асосларни талаб этувчи ракета-космик саноатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ракета-космик саноати (РКС) корхоналари томонидан элтувчи ракеталар (ЭР), Ернинг сунъий йўлдошлари (ЕСЙ), космик кемалар (космик станциялар), турли типдаги космик аппаратлар (КА), ишга тушириш қурилмалари, ракета-космик полигонлар учун техник воситалар, космик объектларни ердан назорат қилиш ва бошқариш воситалари, космик объектларни кузатиб бориш ва улардан маълумотлар қабул қилиш станциялари ва космик фаолиятни таъминлаш учун фойдаланиладиган бошқа техник объектлар ишлаб чиқарилади.

баллистик ракеталар (БР) ва космик дастурларни амалга ошириш учун мўлжалланган элтувчи ракеталар яратишга қаратилди. Шу мақсадларда кўплаб назарий ва амалий тадқиқотлар олиб борилди, хорижий мутахассислар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди, махсус илмий марказ ва ташкилотлар, ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди.

1999 йилда мамлакат ҳарбий саноат комплексининг бошқарув тизимини ислоҳ қилиш доирасида марказ бўйсунувидаги иккита йирик давлат ҳарбий саноат корпорацияси – космик илмий-техника корпорацияси (КИТК) ва космик илмий-саноат корпорацияси (КИСК) ташкил этилди. Ҳозирги вақтда Хитой РКСга қарашли корхоналар ва илмий-тадқиқот ташкилотларининг асосий қисми мазкур корпорациялар таркибига киритилган.

Хусусан, КИТК 8 та илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, 13 та ихтисослашган ва 7 та идора қарамоғидаги корхонадан ташкил топган. КИСК таркибидан эса 5 та илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, 2 та космик саноат компанияси гуруҳи ва космик саноат қурилиш корпорацияси жой олган.

Ҳар 2 корпорацияга қарашли илмий-тадқиқот марказлари, завод ва корхоналарда суюқ ёқилғида («Чанчжэн-2С, -2F, -3А, -3С, -3В/Е», («Чанчжэн-5, -7») ва қаттиқ ёқилғида ишлайдиган элтувчи ракеталар («Чанчжэн-11»), қитъалараро баллистик ракеталар («Дунфэн-4, -26, -31»), турли масофаларга

шунингдек, тегишли ишга тушириш қурилмалари, бошқарув, мўлжалга тўғрилаш, назорат ва навигация тизимлари учун дастурий таъминотлар, парвозларни автоматик бошқарув тизимлари, микродвигателлар, гироскоплар, ёқилғи датчиклари, космик аппаратлар учун антенналар, магнитлар, махсус композит материаллар ва бошқа турдаги маҳсулотлар яратилади ва ишлаб чиқарилади.

Сўнгги йиллар мобайнида мамлакатда ракета йиғувчи корхоналар (шу жумладан, хусусий корхоналар) сони 5 баробар ошди, бу эса мавжуд корхоналарнинг ишлаб чиқариш базасини кенгайтириш ҳамда элтувчи ракеталарни учуриш миқдорини 6 карра ошириш имконини берди.

Таъкидлаш жоизки, Хитой бошқа йўналишлар билан бир қаторда, космосни ўзлаштириш, ракета-космик саноатини янада ривожлантириш соҳасида дунёнинг етакчи давлатлари сафидан жой олди. Мисол учун, АҚШ ва собиқ Иттифоқдан кейин Ойдан олинган тупроқ намуналарини Ерга олиб келишга эришган учинчи давлатга айланди. 2020 йил охирида «Чанъэ-5» типдаги қайтарилувчи аппарат «Чанчжэн-5» русумли элтувчи ракета ёрдамида космосга олиб чиқилган ва у Ой юзасига етиб борган эди. Шунингдек, яқиндагина бортида «Шэнчжоу-12» кемаси бўлган «Чанчжэн-2F» ракетасини орбитада қуриладиган «Тянгун» коинот станцияси томон жўнатилди. Кема бортида станция



Ҳозирга келиб РКС таркибида 200 га яқин давлат корхонаси, шу жумладан, 100 га яқин ишлаб чиқариш корхонаси ва 100 га яқин илмий-тадқиқот ташкилоти (ИТТ), шунингдек, хусусий секторга қарашли деярли 150 та компания бор. Бундан ташқари, бир қатор хизмат кўрсатувчи, савдо, консалтинг корхоналари ва ташкилотлари ҳам шу соҳа таркибида фаолият олиб боради. Бевосита элтувчи ракеталар ҳамда баллистик ракеталар ишлаб чиқариш вазифаси 14 та завод зиммасига юкланган бўлиб, уларнинг 4 таси давлат, 2 таси давлат-шерикчилик асосидаги ва 8 таси хусусий корхона ҳисобланади.

Мазкур саноат тармоғи тарихига назар ташлайдиган бўлсак, 1956 йилда Хитойда ракета қуруларини ишлаб чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиниб, шу мақсадда авиация саноати корхоналаридан фойдаланиш кўзда тутилган эди. Аммо ракета қурулари ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларига эгаллиги, шунингдек, космик техникаларнинг юзага келиши ва тезкор ривожланиб бориши тўлақонли янги тармоқ – ракета-космик саноати яратилишига асос бўлди. Дастлабки босқичда асосий эътибор хусусий стратегик

мўлжалланган баллистик ракеталар («Дунфэн-21, -21Д»), оператив-тактик («Дунфэн-11, -15») ва танкака қарши бошқарилувчи ракеталар, бошқарилувчи зенит ракеталар, зенит-ракета комплекслари, Ернинг сунъий йўлдошлари, турли типдаги (учувчи ва автоматик) космик аппаратлар, навигация тизимлари ва ускуналари, оптик мосламалар, электрон ҳисоблаш техникаси учун элементлар базаси ва дастурий таъминот, диаметри 2 метр ва ундан ортқ бўлган турли типдаги қаттиқ ёқилғили ракета двигателлари, космик аппаратлар учун суюқ ёқилғили двигателлар, элтувчи ракеталар ҳамда стратегик баллистик ракеталар учун таркибий ва бутловчи қисмлар, узоқ масофаларга мўлжалланган тактик ракеталар (WS-1 – 100 км.гача, WS-2 – 200 км.гача ҳамда WS-3/3А – 200-280 км.гача), электр батареялари, микройўлдошлар, электрон бошқарув блоклари ва махсус композит материаллар, радиоэлектрон кураш воситалари, йўлдош орқали навигация ва алоқа тизимлари, электрон, оптик, механик ва акустик мосламалар ва ускуналар, қанотли ракеталар ва уларнинг двигателлари,

томон 3 нафар тайконавт (Хитойда космонавтни англатувчи атама) – 56 ёшли Ни Хайшэн, 54 ёшли Лю Бомин ва 45 ёшли Тан Хунбо йўл олди. Эътиборлиси, Хитой 5 йил ичида илк бор орбитага фазогирларни жўнатди. «Тянгун» Хитойнинг учинчи орбитал станцияси ҳисобланади. Аввалги орбитал станциялар – «Тянгун-1» 2011 йилда, «Тянгун-2» эса 2016 йил сентябрда орбитага чиқарилган эди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ХХР сўнгги 15 йил мобайнида оғир, ўрта ва енгил классдаги замонавий элтувчи ракеталар, шунингдек, қаттиқ ёқилғили стратегик ракеталар ҳамда оператив-тактик ракеталар яратиш борасида технологик ва ишлаб чиқариш жиҳатидан катта ютуқларга эришди. РКС илмий-ишлаб чиқариш базасининг юқори даражага кўтарилгани ва тобора ривожланиб бораётгани мамлакатга ракета техникасини (шу жумладан, ҳарбий йўналишдаги) ишлаб чиқариш имкониятларини кўп карра ошириш ва космосни ўзлаштириш ҳамда космик аппаратларни учуриш бўйича хизматлар кўрсатиш соҳасида етакчилар қаторига қўшилиш имконини беради.

П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

ИРОҚДАГИ ЖАНГОВАР МИССИЯ



«РБК» хабарига кўра, АҚШ Ироқдаги жанговар миссиясини 2021 йил охиригача якунлайди, дея маълум қилди Президент Жо Байден Ироқ Бош вазири Мустафо ал Қадимий билан музокаралардан сўнг. Ҳозир Ироқда 2 500 нафар америкалик ҳарбий бор. Бироқ расмийлар бу рақам йил охиригача қандай ўзгаришини ҳали ошкор қилмади.

АҚШнинг Ироқдаги ҳарбий миссияси 2003 йилда бошланган. 2011 йилда ҳарбийлар мамлакатдан олиб чиқилган, аммо 2014 йилда қўшни Суриядаги фуқаролар уруши ва ИШИД кучайгани шароитида контингент қайтарилганди.

КУЧЛИ ЁҒИНГАРЧИЛИК ОҚИБАТИДА



Хитой марказидаги Хэнань провинциясининг катта қисмида сўнгги кунларда ёққан ёмғирлар туфайли сув тошқинлари юзага келиб, қурбонлар сони 25 нафарни ташкил этмоқда. Провинция маъмурий маркази Жэнгжоуга 617,1 миллиметр ҳажмда ёғингарчилик тушди, ўртача йиллик кўрсаткич эса 640,8 миллиметр. Хитой нашрлари метеорологларга асосланган ҳолда, уч кунда бундай ҳажмдаги ёғин ёғиши «минг йилда бир кузатилиши» ҳақида ёзишган.

Қутқарув ишларига ўт ўчирувчилардан ташқари армия ҳам жалб этилди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

АЛОҚА КАНАЛИ ТИКЛАНМОҚДА



Жанубий Корея Президенти Мун Чжэ Ин ва Шимолий Корея етакчиси Ким Чен Ин Сеул ва Пхеньян ўртасидаги алоқа каналини тиклашга ҳамда икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашга келишиб олди. Tass хабар беришича, Жанубий Корея Президенти маъмурияти бу ҳақда маълум қилган.

2020 йил 9 июнда Шимолий Корея Жанубий Корея ноҳукумат ташкилотлари фаоллари томонидан чегара орқали шимол томонга ташвиқот варақалари боғланган пуфаклар юборилганига жавобан Сеул билан барча алоқа линияларини узиб қўйган.

HARBIY-VATANPARVARLIK

MUSOBAQA

Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмлар шахсий таркиби томонидан ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни она юртга садоқатли, мард ва жасур инсонлар сифатида камолга етишларини таъминлаш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда самарали ишлар амалга оширилмоқда.

ЁШЛАР - ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

Нукус шаҳридаги ҳарбий қисмда ўтказилган очик эшиклар куни ҳам Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси тумани кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилди. Дастлаб ёшларга мустақиллик йилларида сарҳадларимизни қўриқлашда жасорат кўрсатиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган чегарачи ўғлонлар ва уларнинг фидойиликлари хусусида маълумот берилди. Шундан сўнг юрт ҳимоячилари томонидан қўл жанги усулларининг намоёниши, замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар ҳамда хизмат ҳайвонларининг қўлланилишига оид кўргазмали машғулотлар ташриф буюрувчиларнинг эътиборига ҳавола қилинди.

Жанубий сарҳадларимизни қўриқлаш ишида жонбозлик кўрсатаётган ҳарбий қисмлардан бирига ҳам Қашқадарё вилоятининг Ғузор тумани Қорақўл маҳалласи Таҳам қишлоғида истиқомат қилувчи уюшмаган ёшлар таклиф этилди. «Ҳарбий қисмда бир кун» шиори остида ўтган мазкур тадбир давомида 27 нафар ёш эрта тонгдан юрт ҳимоячилари билан биргаликда жисмоний тайёргарлик машқларини бажардилар. Саф майдонида вазифалар белгилангач, кун тартибига асосан машғулотлар бошланиб кетди.

Жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик синф хоналарида назарий билимларга эга бўлган иштирокчилар куннинг иккинчи ярмида ҳарбий хизматчиларнинг дала-ўқув майдонидаги амалий ўқ отиш жараёнида бевосита иштирок этиб, ўзлари ҳам катта қизиқиш билан отиш машқларини бажариб кўрдилар.

Хоразм вилоятидаги Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисм томонидан ҳам бириктирилган маҳаллаларнинг ёшлари билан тизимли равишда маънавий-маърифий ва соғломлаштириш спорт тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Юрт ҳимоячилари томонидан ташкил этилган бу галги тадбир аввалгиларидан бироз фарқ қилиб, Хива тумани Қорақум

маҳалласида истиқомат қилаётган бир гуруҳ ёшлар ҳарбий хизматчиларнинг амалий ўқ отиш машғулотларига таклиф этилди. Ҳарбий акаларининг нишонларни аниқ мўлжалга олишини кузатган ёшларга моҳир мерган бўлиб юқори натижаларга эришиш учун эътибор қаратилиши зарур бўлган жиҳатлар тушунтириб берилди.

Мазкур ҳарбий қисм командирининг Қўшқўпир туманидаги Уйғур, Қўназей ва Ғазават маҳалласида истиқомат қилаётган ёшлар билан ўтказган «Командир ва ёшлар» сайёр учрашуви давомида эса эрта ми аз эгалари бугун мамлакатимизда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар билан яқиндан танишиб, ҳарбий ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини янада бойитдилар. Учрашув якунида фаол ва ташаббускор ёшлар китоблар жамланмаси ҳамда спорт анжомлари билан тақдирланди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, республикамизнинг барча ҳудудларида мунтазам ташкил этилаётган ҳарбийлар ва ёшлар учрашувлари сарҳадларимиз посбонларига ватанпарвар, фидойи, ҳар томонлама баркамол ва муносиб издошларни тайёрлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Капитан Фарида БОБОЖОНОВА,
ДХХ Чегара қўшинлари

ТАКРОРЛАНМАС ВА ЎЗИГА ХОС



Самарқандда Мудофаа вазирлиги қўшинларида ўтказилаётган «Кўргазмали қўл жанги» мусобақасининг Марказий ҳарбий округ босқичи бўлиб ўтди. Унда округ тасарруфидаги Жиззах, Самарқанд ҳамда Каттақўрғон гарнизонидан 6 та жамоа иштирок этди.



Очилиш маросимида округ қўшинлари қўмондони полковник Ойбек Саидов ушбу мусобақа ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний имкониятларини намоён этишга, жамоаларда жанговар руҳни юксалтириш, қурол билан мураккаб элементларни бажаришга ва энг муҳими, мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир бўлган ўғлонларни кашф этишга хизмат қилишини таъкидлаб, жамоаларга омад тилади.



Шундан сўнг жамоалар берилган вақт давомида навбатма-навбат, жамоавий жипсликдаги кучларини, яккама-якка кураш спорт турлари усулларини ўзида намоён этган чиқишлар орқали шартли душман гуруҳи ва ноқонуний қуролланган тўдани зарарсизлантириш машқларини бажардилар. Ҳар бир жамоанинг такрорланмас ва ўзига хос чиқишлари томошабинлар томонидан олқишлар билан кутиб олинди.

Якуний натижалар бўйича фахрли ўринларни қўлга киритган жамоалар округ қўшинлари қўмондонлиги томонидан кубок, диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди. Беллашувда ғолибликни қўлга киритган Самарқанд гарнизонидаги ҳарбий қисм жамоаси эндиликда вазирлик миқёсида бўлиб ўтадиган мусобақанинг республика босқичида ҳарбий округ шарафини ҳимоя қиладиган бўлди.

Марказий ҳарбий округ матбуот хизмати

ҚУРБОНЛАР РЕКОРД ДАРАЖАДА



2021 йилнинг биринчи ярмида Афғонистонда тинч аҳоли орасида қурбонлар сони рекорд даражага етди. Бу ҳақда БМТнинг Афғонистонга қўмак бериш миссияси маълум қилди.

Маълумотларга кўра, йил бошидан буён 1 659 нафар киши ҳалок бўлган, 3 254 нафар киши яраланган. Бу ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 47 фоизга кўпроқ.

Ҳалок бўлганларнинг қарийб ярми аёллар ва болалардир. Ўтган ярим йил давомида 468 нафар бола ва 219 нафар аёл ҳалок бўлган.

АТАМБАЕВГА ЯНГИ АЙБЛОВ



Алмазбек Атамбаевга янги айблов илгари сурилди. Адвокат Замир Жўшев Facebookдаги саҳифасида Қирғизистоннинг собиқ Президенти оммавий тартибсизликларни ташкиллаштирганликда айбланаётганини ёзди.

Ҳап 2020 йил октябрь ойида кузатилган воқеалар ҳақида бормоқда. Ушунда парламент сайловларида қайд этилган натижалардан норози бўлган қирғизистонликлар оммавий тартибсизликларни юзага келтирганди.

Адвокатнинг қайд этишича, Алмазбек Атамбаевга собиқ Бош вазир Омурбек Бабанов, маслаҳатчи Фарид Ниязов ва бошқа шахслар билан тил бириктиргани ҳақида ёзилган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

MODERNA ВАКЦИНАСИ ЕТКАЗИЛДИ



Душанбе халқаро аэропортига АҚШдан Turkish Airlines авиакомпаниясининг махсус рейси билан 1,5 миллион доза Moderna вакцинаси етказилди. Бу ҳақда Тожикистон соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълум қилди.

Бу Moderna компанияси вакцинасининг Тожикистонга етказилган биринчи партияси ҳисобланади. 22 июлда Озарбайжон инсонпарварлик ёрдами сифатида Тожикистонга 40 минг доза AstraZeneca вакцинасини жўнатган.

Душанбеда 25 июнда 18 ёшдан катта аҳолини коронавирусга қарши эмлаш бўйича кампания бошланган.

ТАДБИРЛАРДА ЁШЛАР ФАОЛ

Ёшларимиз қалбида ватанпарварлик ҳиссини уйғотиш ва мустақамлаш алоҳида аҳамиятга молик масала. Шу боис ҳам мамлакатимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш ҳамда уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга муҳим эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Хоразм вилояти кенгаши тасарруфидаги Боғот тумани ўқув-спорт техника клубида (ЎСТК) ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида ЎСТКда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш, турли спорт тўғараклари ишини йўлга қўйиш, мусобақалар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, клуб моддий техника базасини мустақамлаш, хўжалик ҳисобидан топилган маблағларни спорт инвентарлари ва жиҳозларини харид қилишга қаратиш учун кенг имкониятлар яратилди.

– Туман терма жамоасини шакллантириш ҳамда уларнинг вилоят ва республика мусобақаларидаги натижаларини янада яхшилаш юзасидан салмоқли ишлар қилинди, – дейди ЎСТК бошлиғи Шоназар Раззоқов. – Бунинг натижасида спортчиларимиз бир қанча ютуқларга эришиб, вилоят ва республика мусобақаларида совринли ўринларни эгалламоқдалар. Масалан, Ёшлар куни муносабати билан Тошкент шаҳрида «Спорт фестивали» доирасида ташкил этилган веломарафоннинг республика босқичида иштирок этган спортчимиз Сарвиноз Султонбоева қизлар биринчилигида марра чизиғини биринчи бўлиб босиб ўтиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига қўтарилди. Айни пайтда ЎСТК қошида ҳаво милтиғидан ўқ отиш, ёзги биатлон ҳамда дуатлон каби спорт секцияларида машғулотлар олиб борилмоқда. Шу кунларда 45 нафар ўсмир спорт тўғаракларига жалб қилинган. Улар билан доимий равишда тажрибали спорт мураббийлари машғулот олиб борадилар. Бу эса, ўз навбатида, спортчи ёшларнинг мунтазам шуғулланишлари учун қулай имконият яратмоқда.

Шунингдек, ёшларни меҳнат бозорида эҳтиёжи юқори бўлган касбларга ўқитишни таъминлаш борасида ҳам ЎСТКда амалий ишлар қилинмоқда. Шу кунларда «Ёшлар дафтари» рўйхатига киритилган 92 нафар ҳайдовчиликка номзод 4 та гуруҳда «В», «ВС» тоифалар бўйича таҳсил олмоқда.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни спортнинг техник ва амалий турларига жалб этган ҳолда кўргазмали тадбирлар ва спорт мусобақаларини ташкил этиш муҳим жараёнлардан биридир. Шу боис ҳам ЎСТК жамоаси тумандаги барча ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда бугунги пандемия шароитидан келиб чиққан



ҳолда турли маънавий-маърифий ҳамда спорт тадбирларини ўтказмоқда. Яқинда Боғот туманидаги ҳарбий қисмларнинг бирида ташкил этилган «Ёшлар дафтарида»ги номзодлар билан танишув жараёни ҳам ана шундай тадбирлардан биридир. Унда туман мудофаа ишлари, халқ таълими, Ёшлар ишлари агентлиги бўлимлари, Ёшлар иттифоқи туман кенгаши, ҳарбий хизматчилар ҳамда ёшлар иштирок этди. Иштирокчиларга «Ватанпарвар» ташкилотининг фаолияти, унинг йўналишлари ҳақида маълумот берилди. Тадбирда ёшлар ўзларини қизиқтирган барча саволларига батафсил жавоб олдилар. Ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари барчада катта таассурот қолдирди.

Бундан ташқари, ташкилот фаолиятининг яна бир муҳим йўналишларидан бири малакали ҳайдовчи мутахассислар тайёрлашдир. Шу кунларда 450 нафарга яқин «В», «ВС», «Е» тоифали ҳайдовчилар тайёрланган бўлса, 162 та номзод ўқиш машғулотларини давом эттирмоқда. Бунинг учун ташкилот етарли ўқув-моддий базага эга. Барча керакли қурилмалар ҳамда замонавий транспорт воситалари билан таъминланган.

Акбар АЛИ



O'YLA, IZLA, TOP!

TAFAKKUR DURDONALARI

Har bir kishi kasb-korini mukammal bilmog'i, yaxshi tarbiya olmog'i va yaxshi xulq-odob, fazilatlarga ega bo'lmog'i kerak.

Abu Nasr Forobiy

Yo'q hunari, yolg'iz esa o'z kishi,
Qayda kishi sonida yolg'iz kishi.

Alisher Navoiy

Hech kimga yalinmas hunarli inson,
Rizqin o'z bog'idan topadi bog'bon.

Sayido Nasafiy

Tikansiz – gul, sadafsiz – dur,
mashaqqatsiz hunar yo'qtur.

Mashrab

Hunarli odam hech qachon
och qolmaydi.

Abdulla Qahhor

Har kim qo'lidan kelmaydigan
kasbni tashlab, qo'lidan keladigan
hunarni qilishi kerak.

Fitrat

*Sabzavotlarning nomini katakchalar
ichiga ingliz tilida to'ldiring*

 P _ _ _	 C _ _ _	 P _ _	 C _ _	 T _ _ _
 O _ _ _	 P _ _ _	 G _ _ _	 P _ _ _	 D _ _

KASBING BOR – RIZQING MO'L

Kasb – inson uchun juda zarur faoliyat. Kim qanday kasb tanlasa, unga mehr qo'yishi kerak. O'z kasbini yaxshi bilgan kishining ishi unumli bo'ladi.

Ota-ona kasbini egallash yanada yaxshi. Chunki siz ota-onangiz nimalar bilan shug'ullanishini yoshligingizdan ko'rib, o'rganib borasiz. Ularga bu ishda yordam ham berasiz. Katta bo'lgach, shu kasbda ishlasangiz, sizning ustozingiz ota-onangiz bo'ladi.

Har kasbning o'z mohiyati, qiziqarli tomonlari bor. Kasb-hunar inson umrini bezaydi, baxtli-saodatli qiladi.

LABIRINT



KULOL

Rahim boboni usta kulol deb maqtashadi. Bobo yasagan ko'zalar, laganlar, tovoq va guldonlar shunday bejirim, chiroyli, ko'rganlar havas qiladi.

Sopol buyum qilish uchun avval loy obdan pishitiladi. So'ng, unga shakl beriladi. Buning uchun maxsus asbob bo'ladi. Rahim bobo bu murakkab ishni juda tez va sifatli bajaradilar.

Rahim boboning ko'p shogirdlari bor. Ular ustozlaridan kulolchilik sirlarini o'rganib olganlar. Tayyor mahsulotlarga gul solish ham bir san'at. Rahim bobo boshchiligidagi tayyorlangan mahsulotlar xaridorlar tomonidan sevib xarid qilinadi.

Sahifani M. MAHKAMOVA tayyorladi.

Omon qolgan odam

1956-yil edi. Yetimxonada birga o'sgan tengdoshlarimni uchratib qoldim. Yigirma yilcha ko'rishmagan bo'lsak-da, men u haqda ancha-muncha gapni eshitib bilar edim. O'zim umrimda ko'p qiyinchilik, mushkul vaziyatlarni boshimdan kechirganman. Lekin mening ko'rgan kunim, uning ko'rgiliklari oldida jannat desa bo'lardi.

U tarixchi yosh muallim edi. 1941-yili urushga ketganini bilaman, keyin ko'p o'tmay, bedarak yo'qolganini eshitdim. Urushdan keyin ma'lum bo'ldiki, asir tushib, to'rt yilda konslager dahshatlarini boshidan kechiribdi. G'alabadan keyin harbiylarimiz oilasiga darak keldi: ochlikdan chalajon bo'lgan holicha gospitalga joylashtirishgan ekan. Ammo bir yil o'tar-o'tmay

Kolimada emish, deb eshitdik. O'sha gapga ham to'qqiz yil bo'ldi. Demak, jami o'n besh yilcha jahannam azobini chekib omon qolgan odam.

Lekin u hozir bunday kulfatni kechirgan kishiga sira o'xshamasdi. Quloch yozib ko'rishganimizda yana ham amin bo'ldimki, u tog'ni ura talqon qiladiganday sog'lom, baquvvat, oq yuzidan kulgi charaqlab turibdi.

– Obbo, Fazliddin-yey... – dedim o'sha tanishim ekaniga ishonqiramay. Sportchilarnikiday dag'al, keng kafti bilan yelkamga urib qo'ydi. Shuncha mudhish sinovlar kor qilmabdi, azamatga. "Biz detdom bolalari hammamiz shunaqamiz o'zi" deya g'ururlanib qo'ydim, – mushkul yillar qaddimizni bukolmay o'tdi-ketdi, biz esa o'sha-o'sha tetik!..

– Obbo, sen-ey, yur ketdik!
– Qayoqqa?
– Qayoqqa bo'lardi, hovliga-da, o'tgan qora kunlarni eslab chaq-chaqlashamiz, og'ayni.
– Yo'q, – dedi u.
– Yigirma yilda bir ko'rishib-a?
– Yo'q, Qo'qon xonligining elchisi qabulxonamda kutib o'ltiribdi... Siz ham boring. Xurosonda vaziyat og'ir... – dedi u.

Ko'zlarimni pipiririb, yuziga boqsam, hazillashayotgan kishiga o'xshamaydi, jiddiy. U-bu gap topgunimcha "xayr" deb, jo'nab ketdi.

– ... Attang... – deya shivirlab, terakga suyangancha orqasidan qarab qolaverdim.

Asqad MUXTOR

«SUN'IY ONG» XAVOTIRLARI

ROBOTLARDAN SADAQA SO'RAYMIZMI?

Yaqindagina "The New Yorker" jurnalining muqovasiga ko'zim tushdi-yu, beixtiyor tanim junjikib ketdi. Unda robotlar yashayotgan kelajak dunyosi tasvirlangan bo'lib, inson tilanchilik qilmoqda. Ha, u robotlardan sadaqa so'ramoqda. Bu kabi fantastik suratlarni oddiy odamlar emas, balki kelajakka aql ko'zi bilan qaray oladigan sanoat mutaxassislari "chizmoqda".

Birdan xayolimga ingliz nazariyotchi olimi, "dunyoning eng aqli odami", deya e'tirof etilgan Stiven Hokingning so'zlari keldi. U insoniyat halokatiga "sun'iy ong" sabab bo'lishini bot-bot ta'kidlagan edi. Uningcha, insoniyat "sun'iy ong"ni nazorat qilishni qo'ldan boy bersa, mashinalar bilan raqobatlasha olmay qoladi va bu muqarrar mag'lubiyat degani.

To'g'ri, hozircha "sun'iy ong" yon-berimizda, turmushimizda mushkulimizni "oson" qilib turibdi. Bosh qotirishni istamaydigan amallarimiz hozircha ular tufayli hal bo'layotir. Ammo men o'ta jiddiy tus olayotgan masalaning boshqa

tomoniga e'tibor qaratmoqchiman.

Shu kungacha so'z va ijod kishilarining dunyosiga hech zog' aralasha olmayotgan, ijod faqat qalb ishi bo'lib qolayotgan edi. Ammo yaqinda ilk "sun'iy ong" egasi o'zining "Kompyuter roman yozgan kun" nomli qisqa romani bilan ijodkorlar tanlovida qatnashdi. Buni qarangki, roman "Nikkei Hoshi Shinichi" adabiy mukofotiga loyiq ko'rildi. Ushbu asar robot tomonidan yozilganini esa hakamlar ham natijalar e'lon qilinganidan so'nggina bilishdi.

Mutaxassislardan biri g'olib asarni tahlil qilar ekan, uning badiiy jihatdan mukammal yaratilganidan

hayratda ekanini, qahramonlar xarakterini ochib berishda birmuncha kamchiliklar ko'zga tashlanishini hisobga olmasa, yetuk roman dunyoga kelganini ta'kidlab o'tdi.

Robot ixtirochisining aytishicha, u qurilma miyasiga roman qahramonlarining tarjimai holi, syujet tavsifi, asosiy jumla va iboralarni kiritgan.

Shundoq ham bemantiq va hissiz yozishmalardan ozor chekayotgan kitobxonlarning ko'ngli bu kabi "asar"lardan qay ko'ylarga tushishini tasavvur qilavering.

Rahim MAHMUDOV,
Ishtixon tumanidagi
90-maktab o'qituvchisi



BIR CHIMDIM

Buyuk odamlarning biografiyasini o'qib chiqqanimda, tushundimki, ular avvalo, o'zlarining ustilaridan g'alaba qozonganlar.

Garri Trumen

BILASIZMI?

Quyoshning nur sochib porlashi o'n foizdan oshib ketsa, global sirt harorati o'rtacha 47°C ga yetadi. Atmosfera issiqxonaga aylanib, okeanlarning bug'lanishiga olib keladi.

Dunyo okeanidagi tuzlarning katta qismi vulqonlar otilishi natijasida yoki sovugan magmatik tog' jinslaridan okean tubida hosil bo'ladi.

Quruqlikda yashaydigan hayvonlarning deyarli uchdan bir qismi Amazon tropik o'rmonida yashaydi. Amazondagi ko'plab hayvon turlari hatto aniqlanmagan ham, ta'riflanmagan ham.

Chaqmoq asosan balandda turgan narsalarga uriladi. Buning sababi, elektr zaryadlanishi eng kichik qarshilik yo'lidan o'tadi. Shu sababli, momaqaldiroq paytida ochiq joyda turish mumkin emas, bu holatda odam sirt ustida sezilarli darajada chiqib turadi.



SHU SONNING
ELEKTRON
SHAKLI

KELGUSI SONLARDA:

Urushlar nomi
qanday yoziladi?

Muassis



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MUDOFAA
VAZIRLIGI



www.mudofaa.uz

Bosh muharrir:

mayor
Ahror Ochilov

Navbatchi:

leytenant
Islomjon Qo'chqorov

Sahifalovchilar:

Begali Eshonqulov
Nodirabegim Valiyeva
Dilnoza Melikuziyeva

Musahhihlar:

Zebo Sariyeva
Sayyora Mirzayeva

Telefonlar:

kotibiyat: 71 260-36-50
buxgalteriya: 71 260-35-20
yuridik bo'lim: 71 269-88-91
faks: 71 260-32-29

ISSN 2010-5541

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi. Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti – "Vatanparvar" Birlashgan tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2008-yil 6-iyunda 0535 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma: Г-705
Hajmi: 6 bosma taboq
Bichimi: A3
Adadi: 30 073 nusxa
Bosishga topshirish vaqti: 14:00
Topshirildi: 14:30

Gazeta juma kuni chiqadi. Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqib boshlagan.

Nashr ko'rsatkichi: 114.
Bahosi: kelishilgan narxda.

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida chop etildi. Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6

Manzillimiz:
100164, Toshkent, Universitet ko'chasi, 1-uy.



t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaa_press



www.mv-vatanparvar.uz



facebook.com/UzArmiya



instagram.com/uzbekistanarmy



www.youtube.com/c/UzArmiya